

М.Х. Ашурова

**ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ
ФАНИДАН
“БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ
ТАРТИБГА СОЛИШДА
ДАВЛАТНИНГ РОЛИ”
модули бўйича методик қўлланма**



ISBN 978-9943-6710-6-5



9 789943 671065



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Ашурова Муборак Хайруллоевна

**ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ
ФАНИДАН “БОЗОР
ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА
СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ”
модули бўйича методик қўлланма**

**“Дурдона” нашриёти
Бухоро – 2020**

УЎК 338.242.4(072)

65.01

A 94

Ашурова М. Х.

Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли [Матн] : методик қўлланма/ М. Х. Ашурова.- Бухоро: ООО "Sadriddin Salim Buxoriy" Durdoni, 2020.- 128 б.

КБК 65.01

Тақризчилар:

Н.Г. Мўминов, и.ф.н., проф. ЎзМУ “Иқтисодиёт назарияси”
кафедраси мудири.

Б.Н. Навруззода, и.ф.н., проф. БухДУ, “Сервис соҳаси
иқтисодиёти” кафедраси профессори.

Ўқув –услугий қўлланмада таълим жараёнида илғор педагогик тажриба ва замонавий технологияларни қўллаган ҳолда “Иқтисодиёт назарияси” фани ўқув дастуридан ўрин олган “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзуси бўйича ўқув модули ишланмаси тайёрланган. Ишда “Иқтисодиёт назарияси” фанини ўқитишдаги инновациялар, замонавий педагогик технологиялар, илғор хорижий ва миллий тажрибалар ёритилган. Шунингдек, “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзуси бўйича электрон ўқув модули ишланмасини тузиш бўйича услубий кўрсатмалар берилган. Методик қўлланмадан “иқтисодиёт назарияси” фани мавзулари бўйича электрон ўқув модулларини тузишда фойдаланиш мумкин.

**Методик қўлланма БухДУ ўқув-методик кенгашининг 2020
йил 6 октябрдаги 2-сонли йиғилиши қарори билан нашрга
тавсия этилган.**

ISBN 978-9943-6710-6-5

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитишнинг назарий масалалари.....	10
1.1. Иқтисодиёт назарияси фани ривожланишининг устувор йўналишлари.....	10
2.2. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар	16
II боб. “Иқтисодиёт назарияси” фанидан электрон ўқув модули ишланмаси	27
2.1. Ўқув фани дастурининг қисқача тавсифи.....	27
2.2. “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзуси бўйича маъруза матни	42
2.3. “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзусида юзасидан кейслар тўплами, амалий машғулотлар, ишланмалар	57
2.4. Назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан кўрсатмалар.....	76
2.5. “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзуси юзасидан тайёрланган тақдимот намуналари	102
Хулоса ва тавсиялар.....	115
Фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхати	121

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида жамиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан, миллий иқтисодиётда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва модернизация қилишда, инновацион иқтисодий тараққиёт йўлига ўтишда таълим тизимининг ролини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида **“Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”**. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”¹, - деб таъкидлаган. Ушбулардан келиб чиқиб, эндиликда таълим соҳасини модернизация қилиш, педагог ходимлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг сифат даражасини ошириш, профессор-ўқитувчиларнинг касбий компитентлигини ривожлантириш, уларнинг мутахассисликларига оид замонавий касбий билим, малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантириш, илмий-техника ва педагогик инновациялардан мустақил равишда, ижодий фойдаланиш билан биргаликда истиқболли вазифаларни ҳал қила олиш кўникмаларини ривожлантириш замон талабига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидойий ва ташаббускор малакали кадрларни тайёрлаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

вазифаси белгиланди. Жумладан, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:

-узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ, юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

-таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш бўйича ишларни амалга ошириш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни кўриш;

-мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун ушбу муассасаларидаги шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва унинг қулайлигини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

-умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

-болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъатга жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш;

-касб-хунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

-таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

-илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари хузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш каби йўналишларда амалга ошириш вазифалари белгиланган¹. Ушбулардан келиб чиққан ҳолда 2019 йил 8 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш [концепциясини](#) тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847 –сон Фармони қабул қилинди.

Мазкур вазифалар бўйича ўтган 2019 йилда муҳим ишлар амалга оширилди. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “2019 йилда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди”², -деб таъкидлади.

Ўтган 20-асрнинг 70-йилларидан бошлаб, кўплаб ривожланган мамлакатларининг таълим соҳасида ўқитишнинг модулли тизими самарали қўлланилиб, ўқишнинг узлуксизлигини, уни индивидуаллаштиришни ва жадаллаштирилишини таъминлаш асосида таълим олувчиларнинг ўқув материални ва фанни мустақил самарали ўзлаштиришлари учун зарур шароитларни яратишга ҳамда уларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга эришмоқдалар. Шунинг учун ҳам бизнинг

¹ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”// Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг 1-илоvasи.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

мамлакатимизда таълим соҳасида илғор хорижий педагогик тажрибалардан ўзимизнинг миллий қадрият, маданият ва менталитетимизни ҳамда шаклланган ижобий хусусиятларимизни ҳисобга олган ҳолда модулли ўқитиш тизимини жорий этишга киришилди.

Таъкидлаш лозимки, анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган бўлса, модулли ўқитишда таълим олувчилар фаолияти орқали ифодаланиб, касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади. Модулли ўқитиш тизимининг жорий этилиши таълим олувчиларнинг ўқув жараёнларидаги фаоллигини ошириш, иқтидорли талабаларни индивидуал ва мустақил ишларини мақбул режалаштиришга имкон беради. Мазкур методик қўлланмада иқтисодиёт назарияси фанини ўқитишда, талабаларда иқтисодий билим ва кўникмаларни янада фаол ва чуқурроқ ўзлаштириш мақсадида илғор хориж тажрибаси ва замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўқитишнинг модулли тизими асосида “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзуси бўйича ўқув модулини ишлаб чиқилди.

Ушбу мавзу ўзининг долзарблиги билан аҳамиятлидир, чунки Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даври шароитида уни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари шаклланиб, ривожланмоқда. Эндиликда иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмларини уйғунлаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан иқтисодиёт назарияси фани барча бакалавр йўналишидаги талабаларнинг ўқув режасида ушбу мавзу мавжуд. Мазкур мавзунини модулли ўқитиш тизими асосида ёндашиб ўқитилса, талаба бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли қанчалик муҳим эканлигини, унинг аҳамияти, давлатнинг иқтисодий вазифалари, иқтисодиётни тартибга солиш усуллари ва воситалари каби тушунча ва масалалари бўйича билимларни ўзлаштирадилар ва мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг моҳиятини теранроқ тушунадилар.

Мазкур қўлланманинг мақсади “Иқтисодиёт назарияси” фанидан “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг

роли” мавзусида модул тайёрлаш ва уни ўқув жараёнларида қўллашдан иборатдир.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги **вазифалар** белгиланган:

-иқтисодий фанлар, шу жумладан, “иқтисодиёт назарияси” фанидан талабаларга самарали таълим беришдаги илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва фан бўйича инновацияларни ўрганиш;

-ўқув жараёнини ташкил этишнинг илғор педагогик тажриба ва замонавий методларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

-юқори сифатли замонавий таълим ва инновацион педагогик технологияларни, бу борадаги илғор хорижий тажрибаларни, мультимедиа тизимлари ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш йўллариини ёритиш;

-“иқтисодиёт назарияси” фанининг ўқув дастурининг қисқача тавсифини ишлаб чиқиш;

- “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзуси бўйича маъруза матни, назорат саволлари ва фойдаланадиган адабиётлар рўйхатини тайёрлаш;

-мавзу бўйича кейс, амалий топшириқ ва ишланмалар тайёрлаш;

-назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан услубий кўрсатмалар бериш;

- ўрганилаётган мавзу юзасидан тақдимотлар тайёрлаш.

Мазкур методик қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш [концепциясини](#) тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847–сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва

юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 2019 йил 3майдаги ПҚ-4306–сон, “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сон ва “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 11июлдаги ПҚ-4391-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018йил 28 декабрдаги ва 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномалари ўрганилди. Шунингдек, иқтисодиёт назарияси фани намунавий фан дастурига ўқув қўлланма сифатида киритилган А.Ўлмасов ва А.В.Вахабовлар ҳаммуаллифлигида 2014 йилда нашр қилинган “Иқтисодиёт назарияси” дарслиги, Ш.Ш.Шодмонов ва У.В.Ғафуровлар томонидан 2013 йилда нашр қилинган “Иқтисодиёт назарияси” ҳамда Ш.Ш.Шодмонов ва Б.Мамарахимовлар ҳаммуалифлигида чоп этилган Иқтисодиёт назарияси” фанидан маърузалар матнидан, Ҳ.П. Абулқосимов раҳбарлигидаги илмий жамоа томонидан 2011 йилда нашр қилинган “Иқтисодиёт асослари ва Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий ислохотлар”, Ҳ.П.Абулқосимовнинг 2019 йилда нашр қилинган “Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш” номли ўқув қўлланмаларидан фойдаланилди. Юқорида номлари келтирилган дарслик, қўлланмаларда иқтисодиёт назарияси фанининг ўқув дастурида ўрганиш кўзда тутилган барча мавзулар қамраб олинган. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишга бағишланган монография ҳамда ўқув қўлланмада бозор иқтисодиётини тартибга солиниши тўғрисидаги назарий концепциялар, уни давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва воситалари кенг қамровли ўрганилган ҳамда баён этилган.

I БОБ. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Иқтисодиёт назарияси фани ривожланишининг устувор йўналишлари

Иқтисодиётга оид билимлар антик дунёнинг кўзга кўринган олимлари Ксенофонт, Платон, Аристотел, шунингдек, қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё муттафаккирлари асарларида ҳам учрайди. Қуръони Карим, Ҳадисларда, буюк алломаларимиз Абу Али Ибн Сино, Абу Носир Форобий, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек асарларида инсоннинг яшаши учун табиат эҳсонлари етарли эмаслиги, ижодий меҳнат қилиш кераклиги қайта-қайта уқтирилган. Шуниси муҳимки, улар ҳеч бир инсон ўзи учун зарур бўлган истеъмол буюмларининг барчасини ўзи яратолмаслигини, шунинг учун бир-бири билан иқтисодий алоқада, муносабатда бўлишлари объектив зарурият эканлигини ҳам қайд қилганлар. Бундан ташқари уларнинг асарларида доимо хўжаликларнинг барча турларида (уй, шаҳар, давлат) даромад билан харажат мувозанатига катта эътибор бериш лозимлиги, пулнинг мазмуни, вазифалари ва унинг келиб чиқиш сабаблари ёритилган.

Иқтисодёт назарияси фани кўпгина мамлакатларда миллий бозор шаклланган ва жаҳон бозори вужудга келаётган даврларда дастлаб «сиёсий иқтисод» номи билан шакллана бошлади. Сиёсий иқтисод грекча сўздан олинган бўлиб «политико» – ижтимоий, «ойкос» - уй, уй хўжалиги, «номос» – қонун, яъни уй ёки ижтимоий хўжалик қонунлари деган маънони билдиради. 1575-1621 йилларда яшаб ўтган француз иқтисодчиси Антуан Монкретен биринчи марта «Сиёсий иқтисод трактати» (1615 й.) номли илмий асар ёзиб, бу фанни мамлакат миқёсида иқтисодиётни бошқариш фани сифатида асослади. Кейинчалик классик иқтисодчилар бу фикрни тасдиқлаб, сиёсий иқтисод кенг маънода моддий ҳаётнинг воситаларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни бошқарувчи қонунлар тўғрисидаги фандир деб кўрсатади.

Иқтисодий фан шаклланиши жараёнида бир қанча ғоявий оқимлар, мактаблар вужудга келган. Бундай иқтисодий оқимлардан дастлабкиси «меркантилизм», деб аталган. Бу оқим тарафдорлари одамларнинг, жамиятнинг бойлиги (пулдан, олтиндан иборат бойлик) савдода, асосан ташқи савдода—муомала жараёнида пайдо бўлади, кўпаяди, савдода банд бўлган меҳнат унумли меҳнат, бошқа меҳнатлар эса унумсиздир, деб тушунтиради. «Физиократлар» меркантилистлардан фарқли ўлароқ, бойлик қишлоқ хўжалигида яратилади ва кўпаяди, деган ғояни олға сурдилар. Уларнинг вакили бўлган Ф.Кенэ томонидан машҳур жадвал ишлаб чиқилди. Кейинчалик иқтисод фанининг классик мактаби намоёндалари бўлмиш А.Смит, У.Петти, Д.Рикардо каби атоқли иқтисодчи олимлар бойлик фақатгина қишлоқ хўжалигидагина эмас, балки шу билан бирга саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам яратилишини исботлаб бердилар ва ҳамма бойликнинг онаси ер, отаси меҳнат, деган қатъий илмий хулосага келдилар. Шуни айтиш керакки, А.Смитнинг «кўринмас қўл» принципи ҳозирги кунда жуда кўп тилга олинмоқда. У ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» (1776 й.) деган китобида инсонни фаоллаштирадиган асосий рағбат шахсий манфаатдир деб кўрсатади. У капитал, меҳнат, товар, ишчи кучи ва бошқа ресурсларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш принципини илгари суради.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб «маржинализм» деб аталган оқим вужудга келиб, шакллана бошлади. У инглизча сўздан олинган бўлиб, кейинги, қўшилган деган маънони беради. Унинг асосчилари Австрия иқтисодий мактабининг намоёндалари (Карл Менгер, Фридрих фон Визер, Бем Баврек ва бошқалар) бўлиб, улар томонидан кейинги қўшилган товар нафлилигининг, меҳнат ёки ресурс унумдорлигининг пасайиб бориш қонуни деган назариялар ишлаб чиқилди. Бу оқим иқтисодий фанда янги йўналиш неоклассик, яъни янги классик деб ном олди. Бу назариянинг йирик намоёндаларидан бири А.Маршалл бўлиб, у «Иқтисодий тараққиёт назарияси»(1912йил) китобида иқтисодий жараёнларнинг узвий боғланиши ва унинг нисбатларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди, бозор мувозанатини ва баҳосини аниқловчи омиллар талаб ва таклифдан иборат деб қаради. Бу

назарий йўналишнинг намоёндаларидан бири Швейцария иқтисодчиси Леон Валрас бўлиб, у умумий иқтисодий мувозанат моделини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди.

1936 йилда инглиз иқтисодчиси Жон Кейнс ўзининг «Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» деган китобида макроиқтисодий кўрсаткичлар: миллий даромад, капитал харажатлар, истеъмол ва жамғаришнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиб, инвестиция ва истеъмол нисбатларининг энг мақсадга мувофиқ тарзда қарор топиши иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили деб кўрсатади. Кейнс таълимоти таъсирида иқтисодиётда макроиқтисодий таҳлил йўлга қўйилди. У давлатнинг иқтисодиётни бошқаришда фаол қатнашиши зарурлигини исботлади.

Ҳозирги замон иқтисодий фанида муҳим йўналишлардан бири монетаризм деб аталади. Унинг асосчиларидан бири америкалик иқтисодчи М.Фридмен ўзининг тадқиқоти негизида иқтисодиётни барқарор қилишда пул омили асосий роль ўйнайди, деган ғояни илгари суради. Америкалик олим Василий Леонтьев эса «харажат – натижа» деб аталмиш иқтисодий андозанинг асосчисидир.

XX асрнинг 50–60-йилларида неоклассик йўналишида бир қатор янги оқимлар вужудга келди. Жумладан, Неолиберализм (Ф.Хайек, Шумпетер, Л.Эркард) – асосий эътиборни давлатнинг иқтисодиётга аралашувнинг энг кам даражага келтиришга, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратиш лозимлигини уқтиради. Институтционализм тарафдорлари (Т.Веблен, Ж.Гелбрейт) фикрига кўра хўжалик юритувчилар ўртасидаги муносабатлар нафақат иқтисодий, балки ноиқтисодий омилар таъсирида вужудга келади. Шу сабабли иқтисодиётга муассасавий ўзгаришлар орқали ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳозирги пайтда маржинализм, монетаризм, кейнсчилик ва бошқа қатор йўналишдаги иқтисодий назариялар «Экономикс» номли китобда мужассамлашган бўлиб, бу АҚШ, Англия, ва бошқа қатор мамлакатларда дарслик сифатида ўтилади.

Ҳозирги пайтда бу йўналишдаги фан мамлакатимиз ва бошқа қатор МДҲ давлатларида «Иқтисодиёт назарияси» деб атала бошлади. «Иқтисодиёт назарияси» фан сифатида шакллангунгача босиб ўтган йўл ва унда вужудга келган ғоялар,

оқимлар жуда мураккаб, кўпинча бир-бирига зид ва қарама-қаршидир. Шундай бўлсада, улар бир-бирини тўлдиради, иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларнинг ички зиддиятларини, қонунларини маълум даражада умумлаштириб ифодалайди.

Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети – иқтисодий ресурслар чекланган шароитда жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини қондириш мақсадида моддий неъматларни (ва хизматларни) ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш қонун–қоидаларини ёки кишиларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатини ўрганишдан иборат. Иқтисодиёт назарияси амалий ва назарий вазифаларни бажаради.

Фаннинг амалий вазифаси чекланган ресурслардан самарали фойдаланиб, уларнинг ҳар бирлиги эвазига кўпроқ товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни таъминлаш, ҳар бир фаолият турлари бўйича харажатлар миқдори билан эришилган самара, яъни товар ва хизматлар миқдорини таққослаш, ресурслардан унумлироқ фойдаланиш йўлларини топишга қаратилади. Бу вазифа яратилган назариялар ва илмий қарашларни реал амалий ҳаётга жорий қилиб боришни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Иқтисодиёт назарияси назарий вазифаси, энг аввало, илмий билишдан иборатдир. Шундан келиб чиқадики бу фан иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларнинг моҳиятини, иқтисодий қонунлар ва иқтисодий тушунчаларнинг мазмунини ёритиб илмий билиш вазифасини бажаради.

Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкин “Иқтисодиёт назарияси” фани талабаларни жамиятимизда рўй берадиган иқтисодий қонунларни билиш ва уларнинг амал қилишига онгли муносабатда бўлишда, мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш жараёнларининг моҳиятини тушунишда зарур бўлган билимлар билан қуроллантиради.

Иқтисодиёт назарияси фанининг ўзига хос тадқиқот усуллари ҳам мавжуд. Улардан энг асосийларидан бири илмий **абстракция усули** - воқеа ҳодисаларнинг таҳлил пайтида халал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали белгилари эътибордан

четлаштирилиб, ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига тегишли белгиларга эътиборни қаратишдир. **Таҳлил ва синтез усули.** Таҳлил — бу ўрганилаётган бир бутунни алоҳида қисмларга ажратиш ва уларни изчиллик билан таҳлил қилиш. Синтез — бу ҳодиса ва жараёнларни қисмларга бўлиш асосида умумий хулоса чиқаришдир. **Мантиқийлик ва тарихийликнинг бирлиги усули.** Тарихийлик далили иқтисодий фанларда ҳам тарихий ривожланиш нуқтаи назаридан тадқиқот олиб боришни зарур қилиб кўяди. Мантиқийлик усулида жараёнлар фақатгина тарихий нуқтаи назардан эмас, шу билан бирга ички зарурий ва қонуний боғланишлар бўйича ҳам таҳлил қилинади. Иқтисодий ўсишнинг кескин ўзгариши, хусусан иқтисодиётнинг инқироз ва беқарорлик босқичларида экспериментдан кенг фойдаланилади.

Индукция ва дедукция усули. Индукция амалиётдан назария томон боришни, реал ҳаётдаги рўй берадиган ҳодиса ва жараёнлардан назариялар яратишни билдирса, дедукция назариядан амалиёт томон боришни, яратилган назарияларни кишиларнинг амалий ҳаётида синаб кўришни англатади. **Позитив ва норматив усуллар.** Позитив усул иқтисодий ҳодисаларнинг реал ҳаётдаги ҳолатини қандай бўлса шу ҳолича акс эттиради. Норматив усул ҳодиса ва жараёнларнинг қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалардир.

Микроиқтисодий таҳлилда иқтисодиётнинг бошланғич бўғини бўлмиш корхона ва бошқа иқтисодий субъектларнинг юқори пировард натижага эришишга қаратилган хатти-ҳаракати, хулқи тадқиқ қилинади. **Макроиқтисодий таҳлилда** миллий иқтисодиётнинг ҳолати, фаолият қилиши ва натижалари тадқиқот қилинади. Қисқача айтганда, макроиқтисодий таҳлилда миллий хўжалик, унинг алоҳида секторлари (давлат, кооператив, хусусий) ва жаҳон хўжалиги ўрганилади. **Иқтисодий жараёнларни миқдорий таҳлил қилишда** математик, статистик усуллар ва графиклардан кенг фойдаланилади. **Иқтисодий таҳлилда иқтисодий моделлардан ҳам фойдаланилади.** Иқтисодий моделлар — бу реал воқелик, иқтисодиёт ва ундаги рўй берадиган ҳодиса ҳамда жараёнларнинг соддалаштирилган манзарасидир. Бунда иқтисодий моделларнинг иккита тури ўз ўрнига эга бўлади: мувозанатлашган ва оптималлашган моделлар.

Иқтисодиёт назарияси аниқ иқтисодий ва амалий фанларнинг асосини ташкил қилади. Унинг амалиёт билан боғлиқлиги эса аниқ иқтисодий фанлар орқали амалга ошириб келинади. Ўқиш жараёнида олинган бу билимлар эса ҳаётда ҳар бир инсон учун керак бўлади.

Иқтисодиёт назарияси асрлардан бери ҳар бир давлатнинг иқтисодий сиёсатини асослаб келган, унинг муваффақиятли ривожланишига сабаб бўлган. Бозор иқтисодиётига ўтишни муваффақиятли амалга ошириш фан, маданиятни ривожлантириш, демократик давлат қуриш учун халқ онги, маънавиятини янада юқори босқичга кўтариш зарурдир.

Иқтисодиёт назарияси фани ривожланишининг устувор йўналишлари бизнинг назаримизда қуйидагиларда намоён бўлади:

-асоси иқтисодиёт назарияси бўлган фанлараро янги фан бўлиб шаклланган “Иқтисодиётда тизимли таҳлил” фанининг ривожланиши ҳамда илмий тадқиқот ишларида кенг қўлланилиши;

-жамият ва давлат тузилмаларидаги институционал ўзгаришларни иқтисодиётга ва бизнесга таъсирини тадқиқ қилувчи “институционал иқтисодиёт” фанининг ривожланиши ва унинг иқтисодиёт назарияси фани билан узвий алоқадорлигининг кучайиши;

- иқтисодиётнинг барча соҳаларида инсон омили ва капитали ролининг кучайиши натижасида, шунингдек, ишлаб чиқаришни инсонпарварлаштириш зарурати оқибатида “Инсон тараққиёти” фан йўналишининг шаклланиши ва бу фанни барча олий таълим муассаларида ўқитиш зарурати вужудга келди;

- глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётлар ўртасида аёвсиз рақобат кучаймоқда. Ривожланган йирик давлатлар томонидан ривожланаётган ёш давлатларга иқтисодий усул ва дастаклардан геосиёсий мақсадларда таъсир этишда фойдаланилмоқда. Шунинг учун “Иқтисодий хавфсизлик” фани ўзининг ривожланишида янги юқори босқичга кўтарилади ҳамда мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасаларида “Иқтисодий хавфсизлик” ўқув курслари ўқитилиши йўлга қўйилмоқда;

-бозор иқтисодиётига ўтиш даври ниҳоятда мураккаб ва бирмунча узоқ даврни ўз ичига олиши мумкин. Шунинг учун ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда, шу жумладан, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси (ҳозирги Давлат бошқаруви академияси)нинг 1995-2012 йиллардаги тажрибасидан келиб чиқиб, “Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар” ўқув курсини олий таълим муассасаларида ўқитишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

-яқин йилларда “Ўтиш иқтисодиёти” фан йўналиши сифатида ривожланиши ва бу борада илмий тадқиқотларнинг кўпайиши долзарб аҳамиятга эга бўлади.

Иқтисодий ислохотларни ҳаётга самарали татбиқ этишнинг яна бир шарти иқтисодий таълим тизимини модернизациялашдир, иқтисодиёт соҳаси учун мутахассисларни шакллантириш механизмини яратишдир.

2.2. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда таълим тизимидаги ислохотларнинг асосини шакллантирувчи қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ва амалга оширилиб келинмоқда. Булар асосида 1997 йилнинг 29 августида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлар алоҳида ўрин тутди. Бу қонунлардан келиб чиқадиган вазифа таълим дастурлари мазмунининг юқори сифатига эришиш ва янги педагогик технологияларни жорий қилишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “**Учинчидан**, биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик. Нафақат ёшлар,

балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади”¹,-деб таъкидлаган. Бу эса таълим соҳасида илғор педагогик технологиялар дарс беришнинг интерфаол усулларини назарда тутди. Булар мунозара дарслари, иқтисодий музокаралар, ишбилармон ўйинлар, муаммоли ҳолатларни, кейс стадилярини ечиш ва ҳоказолардир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, методик мажмуа, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стентлардан фойдаланилади.

Маъруза ва семинар, амалий машғулотида “Ақлий ҳужум”, “Инсерт”, “Пинборд”, “Баҳс”, “Суҳбат” каби метод ва техникалардан, талабалар билан ўқув фаолиятини ташкил этишда “Кооп-кооп”, “Ўйланг-жуфтликка бўлининг-фикр алмашинг”, “Илон изи” каби ҳамкорликда ишлашнинг усулларидан ҳамда техник воситалар, компьютер тизими воситалари, проектор, графикли органайзерли ўқитиш воситаларидан ҳамда кенг фойдаланилади. Ушбу усуллар талабаларнинг ижодий фаоллигини оширишда, иқтисодий масалаларни ҳал қилишда, муаммони ҳал қилишнинг энг мақбул йўлларини топишда ёрдам беради.

Айни кунда олий таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, педагог мутахассислар тайёрлаш тизими сифат даражасини оширишда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларни соҳага оид замонавий касбий билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, илмий-техник инновациялардан мустақил равишда, ижодий фойдаланиш ҳамда истиқболли вазифаларни ҳал қила олиш кўникмаларини ривожлантириш муҳим вазифалардан саналади. Таълим сифатини таъминлаш битирувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси билан бирга ўқув жараёнининг қандай ташкил этилиши ва унинг белгиланган сифат мезонларига жавоб беришида кўринади. Ушбу вазифа бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2020 йил 24 январь.

мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш мисолида аниқ мақсадларга йўналтирилган кўрсатма ва тамойиллар кўринишида ўз аксини топган.

Ҳозирги глобаллашув жараёнларида таълимга инновацион ёндашувнинг ижтимоий-педагогик зарурияти қуйидагилар билан белгиланади:

-фан-техника тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий янгилашиш узлуксиз таълим тизими, хусусан, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, таълимдаги инновацион ёндашувлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш;

-талаба-ёшлардаги маълумотлилик даражаси, интеллектуал салоҳият, ижтимоий фаоллик, ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган ўқитишнинг самарали ташкилий шакллари, технологияларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

-педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш зарурати.

Бугунги кунда таълим тизимида киритилаётган ҳар қандай инновация ахборот ва методик таъминотнинг мавжудлигини кўзда тутди. Шу сабабли, олий таълим муассасалари ўқув жараёнига инновация киритишда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ҳамда педагогик-психологик фанларнинг ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш орқали ўқув жараёнлари мазмуни ва методларини такомиллаштириш муҳим йўналишлардан саналади.

Бу эса ўз навбатида, ўқув машғулотларини ташкил этишнинг самарали шакллари сифатида маъруза (муаммоли маъруза, маъруза-семинар, виртуал-технологик маъруза, визуал маъруза, бинар маъруза, кириш маърузаси, маъруза-конференция, ахборотли маъруза, маъруза баҳс-мунозара, шарҳловчи маъруза, он-лине маъруза) тренинг, видеотренинг, вебинарлар, интернет конференциялар, инновацион ўқитиш методлари сифатида эса

муаммоли методлар, интерфаол методлар, амалий ўйинлар, ўқув лойиҳалари, портфолиолар, график органайзерлар, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш заруратини юзага чиқаради.

Бугунги кунда иқтисодиёт назарияси фанидан ўқув жараёнини ташкил этишда турли замонавий педагогик технологиялар:

1. муаммоли технологиялар;
2. модулли технологиялари;
3. ҳамкорлик технологиялари;
4. дидактик ўйинли технологиялардан фойдаланилмоқда.

Ҳозирги давр таълим тараққиёти янги йўналиш-инновацион педагогикани майдонга олиб чиқди. «Инновацион педагогика» термини ва унга хос бўлган тадқиқотлар Ғарбий европа ва АҚШда, 60-йилларда пайдо бўлди. Инновацион фаолият Ф.Н.Гоноболдин, С.М.Годнин, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин, А.И.Шчербаков ишларида тадқиқ этилган. Бу тадқиқотларда инновацион фаолият амалиёти ва илғор педагогик тажрибаларни кенг ёйиш нуқтаи назаридан ёритилган.

Х.Барнет, Дж.Бассет, Д.Гамильтон, Н.Гросс, Р.Карлсон, М.Майез, А.Хейвлок, Д.Чен, Р.Эдем ишларида инновацион жараёнларни бошқариш, таълимдаги ўзгаришларни ташкил этиш, инновациянинг «ҳаёти ва фаолияти» учун зарур бўлган шарт-шароитлар масалалари таҳлил килинган.

Янгилик киритишнинг ижтимоий-психологик аспекти америкалик инноватик Э.Роджерс томонидан ишлаб чиқилган. У янгилик киритиш жараёни қатнашчиларининг тоифалари таснифини, унинг янгиликка бўлган муносабатини, уни идрок қилишга шайлигини тадқиқ этади.

Талабаларнинг иқтисодиёт назарияси фанини ўзлаштиришлари учун илғор ва замонавий усуллардан фойдаланиш, янги информация-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, методик мажмуа, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стентлардан фойдаланилади.

Мавзуларни ўтишда “инсерт”, “блиц-сўров”, “кластер”, “ақлий ҳужум” каби усул ва техникалардан кенг фойдаланилади.

Амалий ва семинар дарсларда “зиг-зак”, “турух бўлиб ишлаш”, “инсерт” каби педагогик технологиялардан фойдаланилади. Бу жараёнда илғор педагогик технологияларнинг бир қанча муаммолари ўз ечимини топади. Яъни:

- таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади;
- ўқув-тарбия жараёни янги методик мажбуриятлар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади;
- миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади;
- касб-хунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўз-ўзини бошқариш шакллари мустаҳкамланади;
- таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади.

Узлуксиз таълим тизимининг олдида қўйилган давлат ва ижтимоий буюртмага мувофиқ, олий ўқув юртлари таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли, касб-хунарли, Она-Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, давлат ва жамият олдида ўз бурчи ва жавобгарлигини ҳис этадиган баркамол шахсни камолга этказиш, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади.

Замонавий педагогик технологиялар таълим-тарбия жараёнининг бир тизимга солинган илмий-назарий ва методик асосланган янги шакл, усул ва воситаларининг мажмуидир. Бунда янги мазмун, шакл, усул ва восита уйғунлигида мақсад, вазифа, фаолият ва педагогик натижа яхлитлиги таъминланади ҳамда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмаларни тузилмада ўз ифодасини топади.

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

- юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш;
- муаммоли маърузалар ёзиш;
- дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш;
- илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш;
- талабаларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш;
- талабчанлик;
- талабалар билан индивидуал ишлаш;
- ижодкорликка ундаш;
- эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш;
- илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди.

“Иқтисодиёт назарияси” фанини ўқитишда ушбу жиҳатларни эътиборга олиш таълим жараёнининг самарадорлигини янада оширишда муҳим ўрин тутди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида “Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилади. Олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ўтказиш талаб этилади”¹, -деб таъкидланган.

Ўқув жараёнига тадбиқ этишда инновацион ўқув технологияларидан бири бўлган мультимедиа тизимларидан фойдаланиш юқори самарадорликка эришишнинг гаровидир. Мультимедиа (мулти–кўп,медиа–муҳит) - бу компьютер технологиясининг турли хил физик кўринишга эга бўлган (матн, графика, расм, товуш, анимация, видео ва ҳ.к) турли хил ташувчиларда (оптик диск, флеш хотира ва ҳ.к.) мавжуд бўлган ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ соҳасидир. Мультимедиа воситалари – бу аппарат ва дастурлар тўплами бўлиб, у инсонга товуш, видео, графика, матнлар, анимацияларни ишлатган ҳолда компьютер билан мулоқот қилиш имконини беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.//Халқ сўзи, 2020 йил 25январь.

Замонавий технологиялардан, интернетдан таълим жараёнида фойдаланиш бугунги кун талабига айланди. Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди.

Масофавий таълимда талаба ва ўқитувчи фазовий бериб-биридан ажралган ҳолда ўзаро махсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради, интеграция ва ўзаро алоқа тамойилига эга бўлган муҳим бир туркум янги функцияларни бажаради.

Хозирги кунда таълим жараёнида масофавий таълимнинг турли моделларидан фойдаланилмоқда (қаранг:1.2.1-жадвал).

1.2.1-жадвал¹

Масофавий таълим моделлари	
Бирламчи модел	Франчайзинг
Иккиламчи модел	Валидация
Аралаш модел	Франчайзинг
Консорциум	Лойиҳалар (проектлар)

1. Бирламчи (ягоналик) модели. Модел ташкилий тузилишига кўра фақат масофали ўқитиш ва “масофали” талабалар билан ишлаш учун мўлжалланган. Бундай ўқитишда таълимнинг кундузги шакли зарур бўлмайди ва ўқитиш масофадан амалга оширилади. Бундай модел бўйича ўқитишда худудий марказлар ташкил этилиб, уларда талабалар ўқитувчилардан маслаҳатлар олиши ёки якуний имтиҳон топширишлари мумкин. Бундай модел асосида фаолият кўрсатаётган олийгоҳларда ўқитувчи ва талабаларга ўқув фаолиятининг шакл ва услубларини танлашда катта эркинлик берилади. Вақт ва ўқув жадвалларига қатъий чегаралар қўйилмайди. Ягоналик моделида ўқитиш Очик университетларда,

¹ Интернет маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

масалан, Буюк Британиянинг Очiq университетида ташкил этилган.

2.Иккиланганлик модели. Олийгоҳ кундузги талабаларни ҳам, қисман кундузги ва қисман масофали дастур асосида ўқитади. Ҳар иккаласида ҳам дарс жадваллари, ўқитиш дастурлари, имтиҳонлари ва баҳолаш мезонлари бир хил бўлади. Бундай модел Австралиянинг янги Англия университетида ташкил этилган.

3.Аралаш модел. Бу моделда ишлаётган университет, талабаларни масофали ўқитишда турли шаклларнинг интеграциясини назарда тутди. Масалан, кундузги шаклда ўқиётган талабалар масофали ўқитиш курсларининг дастурларида ёки университетнинг ўқитувчиси дарс бераётган кундузги курслари билан қисман ўқийдилар. Шунингдек, бу моделда виртуал семинарлар, презентациялар, маърузалар кўринишидаги алоҳида машғулотларнинг алоҳида шаклларини интеграцияси бўлиши мумкин. Университет ахборот ва коммуникацион технологиялари воситалари билан қанчалик яхши жихозланган бўлса, шунчалик ўқитиш шакллари турлитуман бўлади.

Интеграллашган бундай курслар Янги Зеландиядаги Массей университетида ташкил этилган.

4.Консорциум. Икки университетни бирлашмасидан иборат бўлиб, университетлар ўқув материаллари билан алмашадилар ёки баъзи вазифаларни бўлишиб оладилар. Канададаги Очiq ўқув Агентлиги консорциумга мисол бўлиши мумкин.

5.Франчайзинг. Франчайзинг тамойилида ташкил этилган масофали ўқитиш моделида ҳамкор университетлар бир – бирларига ўзларининг масофали курсларини берадилар.

Бунда таълим хизмати бозорида ўзини кўрсатган қандайдир университет ўзида ишлаб чиққан курсларини масофали ўқитишни эндигина ташкил қилаётган ва масофали ўқитиш учун ўқув ашёларини мустақил ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлмаган бошқа олийгоҳ – ҳамкорларига ўқитиш ҳуқуқни бериши мумкин.

6.Валидация. Бош олийгоҳ ва унинг ҳудудлардаги кўп сонли филиаллари орасидаги муносабатлар валидация модели асосида ташкил этилади.

7.Узоқлашган аудиториялар. Бу моделда олийгоҳда ўтказилаётган ўқув курслар, маърузалар ёки семинарлар талабалар йиғиладиган ва узоқлаштирилган ўқув аудиторияларга синхрон телекўрсатув, видеоанжуман, радиоэшиттириш кўринишида телекоммуникация каналларидан узатилади. Бир ўқитувчи бир вақтни ўзида талабаларнинг катта аудиторияси билан ишлайди.

Ушбу модел бўйича АҚШ нинг Висконсин ва Хитойнинг марказий радио ва телевидение университетларида масофали ўқитиш ташкил этилган.

8.Лойиҳалар. Давлат таълим ёки илмий-тадқиқот дастури доирасида кенг қамровлик лойиҳани амалга ошириш учун мўлжалланган масофали ўқитиш моделидан иборат. Ушбу моделда асосий аҳамият ўқув материалларини ишлаб чиқувчи асосий мутахассис ходимлар, масофали курсларни олиб борувчи ўқитувчилар ва олимлар йиғиладиган илмий – услубий марказга қаратилади. Марказда ишлаб чиқиладиган масофали курслар у ёки бу давлат (худуд) нинг катта аудиториясига узатилади. Бундай ўқитиш вақтинчали ҳисобланиб, лойиҳада мўлжалланган ишлар бажарилгандан ёки тугагандан сўнг тугатилади.

Таълим тизимининг самарадорлигини янада оширишда ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига фаол тадбиқ этиш, электрон ўқув ресурсларини яратиш, глобал Интернет тармоғи имкониятларидан самарали фойдаланиш, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда техник жихозлар ва дастурий таъминотлардан фойдаланилади.

Таълим жараёнининг самарадорлигини янада ошириш, ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет тармоғидан фойдаланиш, масофавий таълим тизимини ташкил этишда **Moodle** тизимининг жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу тизимнинг асосий вазифаси профессор-ўқитувчи ҳамда талаба ўртасидаги турли хил электрон ресурслар алмашилиш, тизимга вазифа ва масалаларни жойлаштириш орқали таълим бериш самарасини ошириш ҳисобланади.

Moodle тизимида ўқув жараёнини ташкиллаштириш

Ушбу мажмуанинг асосий вазифаси профессор-ўқитувчи ҳамда талаба ўртасидаги турли хил электрон ресурслар

алмашилиш, мажмуага вазифа ва масалаларни жойлаштириш орқали таълим бериш самарасини ошириш ҳисобланади.

Мажмуанинг ташкилий қисмлари

1. Глобал администратор.
2. ОТМ администратори.
3. Профессор-ўқитувчи.
4. Талаба.

Глобал администратор:

- ✓ Мажмуа фаолиятини умумий назорати олиб бориш;
- ✓ Статистик маълумотларни жамлаш ва Вазирлик маъмуриятига тақдим этиш;
- ✓ Мажмуа фаолиятини олиб боришда амалий ёрдам кўрсатиш;

ОТМ администратори:

- ✓ ОТМда мажмуа фаолиятини умумий назорати олиб бориш;
- ✓ Статистик маълумотларни жамлаш ва раҳбариятга тақдим этиш;
- ✓ Мажмуага бирламчи маълумотлар (Факультет, кафедра ва гуруҳлар)ни киритиш;
- ✓ Профессор-ўқитувчиларга логин ва калитлар тақдим этиш.

Профессор-ўқитувчи:

- ✓ Фанлар кесимида электрон ресурсларни жойлаштиради;
- ✓ Талабаларни тегишли ресурслардан фойдаланиш учун рухсат беради;
- ✓ Ресурсларни мунтазам янгилаб боради;
- ✓ Тугалланган фанларни базадан ўчириб ташлайди.

Талаба:

- ✓ Мустақил тарзда мажмуа жойлашган веб-сайтда рўйхатдан ўтади;
- ✓ Қидирув тизими орқали зарур фан ёки профессор-ўқитувчини излаб топиб, ресурслардан фойдаланишга рухсат сўрайди;
- ✓ Профессор-ўқитувчининг тегишли рухсатидан сўнг очик ресурслардан фойдаланиш имкониятга эга бўлади.

Республикамиздаги Моодле тизимида ўқув жараёнини ташкиллаштирган олий ўқув юртлари қуйидагилар:

1. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
2. Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

3. Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети.
4. Бухоро давлат университети.
5. Бухоро давлат тиббиёт институти.
6. Қорақалпоқ давлат университети.

II БОБ. “ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” ФАНИДАН ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ МОДУЛИ ИШЛАНМАСИ

2.1. Ўқув фани дастурининг қисқача тавсифи

«Иқтисодиёт назарияси» фани гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар туркумига кириб, у бакалавриятнинг барча таълим йўналишларида ўқитилади.

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга иқтисодий билимларнинг назарий асосларини, иқтисодиётнинг асосий тушунчалари ва категорияларини, иқтисодий қонунлар ва тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Фаннинг вазифалари – талабаларни назарий билимлар, иқтисодий мушоҳада қилиш усуллари билан қуроллантириш; иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар мазмунини мантикий мушоҳада қилиш учун зарур бўлган услубий ёндашувларни эгаллашига кўмаклашиш; улар онгига миллий истиқлол ғоясини ва миллий мафқуранинг асосий қоидаларини сингдириш; иқтисодиётни модернизациялаш, эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш асосида ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиётини вужудга келтиришнинг долзарб муаммоларини очиб бериш; иқтисодиёт ва иқтисодий муносабатлар тўғрисида амалий кўникмаларни ҳосил қилиш.

Ишлаб чиқиладиган модул “Иқтисодиёт назарияси” фанида “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзусини ўрганишда, мустаҳкамлашда қўл келади.

Мавзунини ўқитишдан мақсад – талабаларда иқтисодиёт назарияси ва давлатнинг макроиқтисодий сиёсати тўғрисида бир тизимга солинган билим ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Мавзунини ўқитишнинг вазифалари – макроиқтисодий категориялар, макроиқтисодий муаммоларнинг намоён бўлиши шакллари ва сабаблари, иқтисодий жараёнларни макроиқтисодий моделлар воситасида таҳлил этиш, макроиқтисодий сиёсат мақсадлари ва воситалари, очиқ иқтисодиёт шароитида макроиқтисодий сиёсат юритиш хусусиятлари тўғрисида илмий тасаввурларни шакллантириш ҳамда макроиқтисодий

кўрсаткичларни ҳисоблаш, макроиктисодий концепция ва моделлардан фойдаланган ҳолда иктисодий жараёнларни таҳлил қилишдан иборатдир.

Силлабус (*Syllabus*) - талаба учун фаннинг қисқача тавсифига, ўрганилаётган фаннинг асосий характеристикасига эга бўлган фан бўйича ўқиш дастури бўлиб, ўқитувчи ва талаба орасидаги коммуникация воситасидан иборат.

Силлабус – талабанинг ҳар бир фан бўйича ўқиш дастуридир. Бу дастур ҳар йили ўқув йили бошлангунга қадар янгиланади.

Одатда силлабус талаба курсни ўрганишни бошлаган даврдан эътиборан билиши лозим бўлган: ўқув предметининг қисқача аннотацияси уни ўрганишдан мақсади, унинг вазифалари, курснинг қисқача мазмуни, мавзуларни ва ҳар бир машғулотнинг давомийлигини, мавзуларни ўтиш жадвали, мустақил ишлар учун вазифаларни, консультация вақтлари, ўқитувчининг талаблари, баҳолаш мезонлари, назорат жадваллари, муваффақиятли ўрганиш шартлари, адабиётлар рўйхати ва ахборотларни ўз ичига олади. Силлабус ДТС, намунавий ўқув режаси, намунавий ўқув дастури (ёки ўқув дастури), таълимнинг мантиқий модели асосида тузилади.

**“Иқтисодиёт назарияси” фанининг 2019/2020 ўқув йили
учун мўлжалланган
СИЛЛАБУСИ**

Фаннинг қисқача тавсифи			
ОТМнинг номи ва жойлашган манзили:	Бухоро давлат университети	Бухоро шаҳри,	
Кафедра:	“Иқтисодиёт назарияси”	Иқтисодиёт факультети	
Таълим соҳаси ва йўналиши:	Таълим соҳаси: 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқ ва соҳалар бўйича)	“5230100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”, “5231700-Кадрлар менежменти”, “5520100-Ижтимоий-иш (Пенсия таъминоти)	
Фанни (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:	Катта ўқитувчи – Ашурова Муборак Хайруллаевна	e-mail:	
Дарс машғулотини ўтказишнинг вақти ва жойи:	Методик бошқарма томони-дан ишлаб чиқилган жадвал асосида университетнинг ўқув биноларида	Курснинг бошланиш ва давом этиш муддати:	Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ биринчи, иккинчи семестрларида
Индивидуал график	ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари 14.00 дан 17.00 гача		

асосида профессор-ўқитувчининг талабалар билан ишлаш вақти:					
Фанга ажратилган ўқув соатларининг ўқув турлари бўйича тақсимооти	Аудитория соатлари			Мустақил таълим:	66
	Маъ-руза:	76	Семи-нар		
Фаннинг бошқа фанлар билан узвий алоқаси (пререквизитлари):	“Микроиқтисодиёт”, “Макроиқтисодиёт”, “Иқтисодий таълимотлар тарихи”, “Институционал иқтисодиёт”, “Минтақавий иқтисодиёт”, ва бошқа функционал иқтисодий фанлар				

Фаннинг мазмуни

Фаннинг долзарблиги ва қисқача мазмуни:	<p>Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга иқтисодий билимларнинг назарий асосларини, иқтисодиётнинг асосий тушунчалари ва категорияларини, иқтисодий қонунлар ва тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилиш.</p> <p>Фаннинг асосий вазифалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> – талабаларни назарий билимлар, иқтисодий мушоҳада қилиш усуллари билан қуроллантириш; – иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар мазмунини мантиқий мушоҳада қилиш учун зарур бўлган услубий ёндашувларни эгаллашига кўмаклашиш; – талабалар онгига миллий истиқлол ғоясини ва миллий мафқуранинг асосий қоидаларини сингдириш; – иқтисодиётни модернизациялаш, эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш
--	--

	<p>асосида ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиётини вужудга келтиришнинг долзарб муаммоларини очиб бериш;</p> <ul style="list-style-type: none"> – иқтисодиёт ва иқтисодий муносабатлар тўғрисида амалий кўникмаларни ҳосил қилиш. <p>Шунингдек, “Иқтисодиёт назарияси” фани гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлардан бири бўлиб, барча иқтисодий фанларни чуқур ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.</p> <p>“Иқтисодиёт назарияси” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> – иқтисодий билим асослари; – бозор иқтисодиёти субъектлари; – иқтисодий категориялар тўғрисида тасаввурга эга бўлиши; – иқтисодиёт назарияси асосларини; – миллий иқтисодиётнинг амал қилиши ва ривожланиши қонуниятларини; – макроиқтисодий даражадаги вазиятларни; – иқтисодий жараёнларнинг амал қилиш хусусиятларини билиши ва улардан фойдалана олиши; – талаба иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилиш усулларини қўллаш; – иқтисодий қонунларни, илмий тушунчаларни (категорияларни), иқтисодий муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиши; – талаба иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш; – иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотлар тўплаш ва улардан фойдаланиш малакаларига эга бўлиши керак.
<p>Талабалар учун талаблар</p>	<p>Ўзбекистон Миллий университетининг одоб-ахлоқ кодекси талаблариги қатъий риоя қилиш, шунингдек:</p> <ul style="list-style-type: none"> – профессор-ўқитувчи аудиторияга кирганида

ўтирган жойдан туриб “Ассалому алайкум” деб кутиб олиш;

- уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйиш;
- профессор-ўқитувчидан сўнг дарс машғулотига кеч келган талаба аудиторияга киритилмайди;
- профессор-ўқитувчи ва гуруҳдошларга қўполлик қилмаслик, сўз талашмаслик, хурмат билан муносабатда бўлиш;
- университет ички тартиб - интизом қоидаларига риоя қилиш;
- кийиниш талаблари (маданияти) га риоя қилиш;
- машғулотлар вақтида ўқитувчининг рухсатсиз аудиториядан чиқмаслик (умуман дарс жараёнида аудиториядан сабабсиз чиқишга рухсат берилмайди);
- уй вазифаси ва мустақил иш топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;
- кўчирмачилик (плагиат) қилиш қатъиян ман этилади;
- дарсларга қатнашиш мажбурий, сабабсиз 2 (икки) ва ундан ортиқ дарс қолдирган талаба кейинги машғулотларга факультет декани рухсати билан киритилади;
- сабабли дарс қолдирилган тақдирда, профессор-ўқитувчига маълумотнома (справка) тақдим этиш;
- ҳар қандай ҳолатларда ҳам қолдирилган дарслар қайта ўзлаштирилиши шарт;
- маъруза ва амалиёт дарсларига олдиндан тайёрланиб келиш ва фаол иштирок этиш;
- қўшимча равишда бажарилган тақдимот, мустақил иш, эссе, реферат, креатив фикрлаш даражаси, турли хил тадбирлар ва илмий-амалий анжуманларда маърузалар билан иштирок этганлиги учун **+2 бонус баллар**

	<p>берилади;</p> <ul style="list-style-type: none"> – талабага ўз вақтида бажарилмаган мустақил иш, уй вазифаси, тартиб – интизоми бўйича -2 жарима баллар белгиланади; – талаба рейтинг баллидан норози бўлса фан бўйича назорат турлари эълон қилинган вақтдан бошлаб 1 кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат қилади ва апелляция комиссияси шу куннинг ўзида талабанинг аризасини кўриб чиқиб хулоса чиқаради.
<p>Фанни ўқув машғулоти ари-нинг лойиҳалари: Лойиҳани тузиш жараёнида бажарилган амаллар:</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Фанини бир бутунлик деб қараб, “Энг катта” модул деб қабул қилинди, унда бериладиган материалларнинг ҳажми ва мазмунидан келиб чиқиб, – “Катта”, “Ўрта” ва “Кичик” модулларга ажратилди, сўнг, уларнинг мақсад ва мақсадчалари ҳамда уларга ажратилган вақт белгиланди. 2. Ҳар бир кичик модул ёрдамида бериладиган билимлар тизими ичидан таянч тушунчалар ажратилди. 3. Таянч тушунчалар асосида назорат саволлари тузилиб, талабалар билим ва кўникмаларини баҳолаш тури ва мезонлари белгиланди. 4. Ўқув машғулотларининг ҳар бир кичик модулида қўлланиладиган машғулоти тури аниқлаб олинди. 5. Ҳар бир кичик модулда қўлланиладиган педагогик услуб ва усуллар аниқланиб, жойлари топиб қўйилди. 6. Ўқув муассасасида мавжуд ахборот технологиялардан ҳамда ҳар бир кичик модулдаги ўқув машғулотининг характеридан келиб чиқиб, ўқув машғулотида фойдаланиладиган ахборот технологиялар-нинг қўлланиш жойлари белгиланди. 7. Ўқув машғулоти жараёнида, ҳар бир кичик модулда фойдаланиладиган дидактик

	материалларнинг тури ва жойи аниқланди. 8. Ўрта модул мазмуни ва ўқитиш жараёнининг боришини ифода этувчи ўқув машғулоти сценарийси ёзилди.
Электрон почта орқали муносабатлар тартиби	Профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги алоқа электрон почта орқали ҳам амалга оширилиши мумкин, телефон орқали баҳо масаласи муҳокама қилинмайди, лекин оралик, жорий ва якуний баҳолаш фақатгина университет ҳудудида, ажратилган хоналарда ва дарс давомида амалга оширилади. Электрон почтани очиш вақти соат 14.00 дан 20.00 гача.

Фан мавзулари ва унга ажратилган соатлар тақсимоти:

№	Мавзу	Аудитория соатлари					Мус - тақил иш	Жами
		Жами	Шу жумладан:					
			Маъруза	Амалий	Семинар	Тажриба		
1-семестр								
1.	Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва билиш усуллари	4	2	2			2	6
2.	Ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва мулкчилик муносабатлари	8	4	4			4	12
3.	Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари.	4	2	2			2	6
4.	Товар ва пул муносабатларининг шаклланиши.	8	4	4			4	12
5.	Бозор иқтисодиё-	8	4	4			2	10

	тининг мазмуни ва амал килиши.							
6.	Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари	8	4	4			4	12
7.	Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати.	8	4	4			2	10
8.	Рақобат ва монополия.	4	2	2			2	6
9.	Нархнинг моҳияти ва шаклланиш хусусиятлари	4	2	2			2	6
10.	Тадбиркорлик фаолияти. Тадбиркорлик капитали ва унинг айланиши.	8	4	4			2	10
11.	Корхона харажатлари ва фойдаси	4	2	2			2	6
12.	Иш хақи ва меҳнат муносабатлари.	4	2	2			2	6
13.	Аграр муносабатлар ва агробизнес.	4	2	2			2	6
1-семестр бўйича жами		76	38	38			32	108
2-семестр								
14.	Миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий ўлчамлари. Ялпи миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари	8	4	4			4	12
15.	Ялпи талаб ва таклиф	8	4	4			4	12

16.	Истеъмол, жамғарма ва инвестициялар	4	2	2			2	6
17.	Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик	4	2	2			2	6
18.	Миллий иқтисодиётнинг нисбатлар ва мувозанати	4	2	2			2	6
19.	Иқтисодиётнинг циклиги ва макроиқтисодий беқарорлик.	4	2	2			2	6
20.	Ялпи ишчи кучи, унинг бандлиги ва ишсизлик	4	2	2			2	6
21.	Молия тизими ва молиявий сиёсат	8	4	4			4	12
22.	Пул- кредит тизими. Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги роли	8	4	4			4	12
23.	Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли	4	2	2			2	6
24.	Аҳоли даромадлари ва давлатнинг ижтимоий сиёсати	4	2	2			2	6
25.	Жаҳон хўжалиги ва унинг эволюцияси.	4	2	2			2	6
26.	Халқаро иқтисодий интеграция ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши.	8	4	4			4	12

27.	Жаҳон бозори. Халқаро валюта ва кредит муносабатлари	4	2	2			2	6
2-семестр бўйича жами		76	38	38			34	110
Умумий		152	76	76			66	218

Талабалар билимини баҳолаш тизими:

№	Рейтинг назорати турлари ва сони	Рейтинг меъёрлари			
		Бирлиги учун		Семестр учун	
		Мин	Мак	Мин	Макс
I.Жорий назорат					
1	Семинар машғулотида талабанинг мавзулар бўйича билимини оғзаки (интерфаол шаклда) сўраш ва баҳолашга (8x2=16)	X	2	8,8	16
2	Машғулотларда фаол қатнашганлиги ва ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажариб келганлиги ҳамда конспектни тўлиқ юритганига.	X	10	5,6	10
3	Мустақил ишлар:				
3.1	Алоҳида мавзуларни мустақил ўрганиш ва тайёрлаш (Мустақил ишлар режаси бўйича)	X	X	2,2	4
3.2	Фан бўйича мавзуларни қамраб олган мисол, масала, машқ ва тестларни ечишга.	X	X	1,1	2

3.	Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қарорлари, фармонлари ва меъёрий ҳужжатларни конспектлаштириш.	X	X	1,7	
	ЖАМИ (ЖБ) -35	X	X	19,	35
II. Оралиқ назорат					
4	Фаннинг ўзлаштирилган бўлим ва мавзулари бўйича ёзма иш ўтказиш, оғзаки сўраш ва тестлар ечиш.	X	X	19,4	35
	ЖАМИ (ОБ) -35	X	X	19,4	35
	Жами тўпланган баллар(ЖН+ОН)-70%	X	X	38,8	70
III. Якуний назорат					
	Фан бўйича тест синови ўтказиш ёки оғзаки сўраш.	X	X	16,5	30
	Якуний назорат (ЯН) -30	X	X	16,5	30
	Умумий баллар (УБ) – (ЖН+ОН+ЯН)-10	X	X	55	100

Изоҳ: якка тартибда ва гуруҳ бўйича топшириқлар қуйидагича бўлиши мумкин: кейс-стади, такдимот, эссе, вазиятли масалалар, вариантлар асосида савол-жавоб.

Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичининг намунавий мезонлари:

Т/ р	Талабанинг фанни ўзлаштириш даражаси (билим, малака ва кўникма даражаси)	Баллар
А)	хулоса ва қарорлар қабул қилиш	86-100 балл
	ижодий фикрлай олиш	
	мустақил мушоҳада юрита олиш	
	олган билимларини амалда қўллай олиш	

	моҳиятини тушуниш	
	билиш, айтиб бериш	
	тасаввурга эга бўлиш	
Б)	мустақил мушоҳада юрита олиш	71-85 балл
	олган билимларини амалда қўл ай олиш	
	моҳиятини тушуниш	
	билиш, айтиб бериш	
	тасаввурга эга бўлиш	55-70 балл
В)	моҳиятини тушуниш	
	билиш, айтиб бериш	
	тасаввурга эга бўлиш	0-54 балл
Г)	аниқ тасаввурга эга бўлмаслик	
	Билмаслик	

Асосий адабиётлар:

1. Шодмонов Ш.Ш., Ходиев Б. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик.- Т., 2019.
2. Шодмонов Ш. Ш., Ғофуров У. В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. – 728 бет.
3. Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Шарқ», 2014. – 480 бет.
4. Жўраев Т., Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси (Кўрғазма ва тарқатма материаллар). – Т.: Фан ва технология, 2013. – 380 б.
5. Станковская И.К., Стрелец И.А. Экономическая теория. Учебник. 3-е изд., испр. – М.: «Эксмо», 2009. – 448 стр.
6. Самуэлсон Пол Э., Нордхаус Вильям Д. Экономика. Учебник. 18-е изд.: Пер с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2009. – 1360 стр.
7. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Учебник. 17-изд. - М.: ИНФРА-М, 2009. – 916 стр.

Қўшимча адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2017. – 46 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш

бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони//Халқ сўзи, 2017йил 8 февраль..

3.“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”// Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг 1-илоvasи.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш [концепциясини](#) тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8октябрдаги ПФ-5847–сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.2018 йил 28декабрь.//Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020йил 24 январь.//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

7.Шодмонов Ш.Ш., Мамарахимов Б. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни.- Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2016. – 568 бет.

8.Носова С.С., Новичкова В.И. Экономическаятеория для бакалавров.Учебное пособие. - М.: КНО РУС, 2009. – 368 стр.

9.Худокормов А.Г. Экономическая теория: Новейшие течения Запада.- М.: ИНФРА-М, 2009. – 416стр.

10.Автономова В., Ананьина О., Макашевой Н.. История экономических учений. Учебное пособие.Под.ред. - М.: ИНФРА-М, 2009. – 784 стр.

11.Абулқосимов Ҳ.П. ва бошқалар. “Иқтисодиёт асослари ва Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий ислохотлар”. Ўқув қўлланма.- Т.: Akademiya, 2011, 404 бет.

12.Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма.-Т.: Ноширлик ёғдуси, 2018.-520бет.

13. Эгамбердиев Ф.Т., Топилдиев С.Р., Ҳамроқулов Ж.Х. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. .– Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2014, -224 б.

Статистик материаллар:

1. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь.-Т., Давлат статистика қўмитаси, 2019.- 334бет.
2. Ўзбекистон иқтисодиёти рақамларда.2016йил – Ташкент: Давлат статистика қўмитаси, 2016. – 84б.
3. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш турмуш даражаси / Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане. Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитаси, Тошкент, 2016 – 202 с.
- 3.Альманах Узбекистана 2016год.-Т., 2017г.-64с.
4. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти//www.stat.uz
- 5.Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик / Труд и занятость в Узбекистане.2014-2018йй. Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитаси, Тошкент, 2019 – 139 бет.

Интернет ресурслари

1. www.gov.uz
2. www.uzreport.com
3. www.stat.uz
4. www.review.uz .
5. www.stat.uz
6. www.mf.ru
7. www.economics.ru
8. www.Lex.uz
9. www.ziyonet.uz
10. www.mineconomy.uz
11. www.mexnat.uz

2.2. “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзуси бўйича маъруза матни

2.2.1. Ўқув матн (модул)

МАВЗУ: БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

1.1.МОДУЛГА КИРИШ

Бозор иқтисодиёти ўзининг объектив қонунлари ҳамда ўзини-ўзи тартиблаш дастаклари, воситалари орқали амал қилади. Аммо бозор иқтисодиётининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий жиҳатлари ҳам мавжуддир. Уларнинг энг асосийси иқтисодиётдаги объектив қонунлар ва муносабатлар, регуляторлар асосида шаклланадиган бозор мувозанати ҳамда мутаносибликларнинг бузилиши оқибатида вужудга келадиган номуносаббатликларнинг кучайиши, иқтисодий танглик ва инқирозлардир. Инқирозлар натижасида иқтисодий пасайиш, ишсизлик, инфляциянинг кучайиши, халқ турмуш даражасининг ёмонлашуви содир бўлади. Шу боисдан ҳам давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва уни устувор равишда иқтисодий воситалар ёрдамида тартиблаши зарур бўлади. Бу эса замонавий бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартиблашнинг бозор механизми билан уни давлат томонидан тартибга солиш механизмини уйғунлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан, институционал ислохотлар оқибатида иқтисодиётни давлат томонидан тартиблаш механизми шакллантирилиб, ривожланиш тенденцияларига эга бўлиб бормоқда. Ўзбекистонда шакллантирилган иқтисодиётни давлат томонидан тартиблаш механизми ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида унинг салбий таъсирини юмшатиш имконини берди. Эндиликда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш” деб номланган биринчи йўналиши бўйича “Давлат бошқарувини такомиллаштириш, энг аввало давлат хизматини ислоҳ қилиш, иқтисодиётда давлат бошқарувини

камайтириш, давлат ва хусусий секторларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигининг замонавий шакллари ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган¹. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармонида иқтисодиётга давлат иштирокини камайтириш ва бозор механизмларини янада эркинлаштиришга қаратилган вазифалар янада аниқлаштирилган².

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш механизмини янада такомиллаштириш ва бозорнинг ўзини-ўзи тартиблашнинг объектив механизми билан уйғунлаштириш масалаларини ўрганиш, тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур модулда иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмлари тушунчалари, бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солишининг ижобий ва салбий жиҳатлари, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги, моҳияти, унинг назарий асосларининг мазмуни ҳамда усул ва воситалари, Ўзбекистонда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан маълумотлар келтирилади.

Сиз қуйидагиларни ўрганасиз:

1. Бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солиш механизмнинг ижобий ва салбий жиҳатлари.
2. Бозор иқтисодиётига давлатнинг аралashiши, уни тартибга солишининг зарурлиги ва моҳияти.
3. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва воситалари.
4. Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 1-илова. // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони//Халқ сўзи, 2017 йил 9 сентябрь.

Модул мақсадлари

- Иқтисодиётни тартиблашнинг бозор механизми, давлатнинг иқтисодий вазифалари, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва воситалари каби тушунчаларни шакллантириш.
- Бозор иқтисодиётини тартиблашнинг объектив механизмини, уни давлат томонидан тартиблашнинг усул ва воситаларини эгри чизиқларда ва чизмаларда ифодалаш кўникмаларини шакллантириш.
- Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишга қаратилган сиёсатини шакллантириш ва ташкил этиш бўйича мустақил ижодий изланишни олиб бориш ва иқтисодиётнинг ҳолати бўйича ахборотларни излаб топиш, уларни янги ҳолатларда қўллаш юзасидан малака ва кўникмаларини шакллантириш.

Модулни ўрганиб бўлгандан сўнг Сиз қуйидагиларни биласиз:

- бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солиш механизмининг ижобий ва салбий томонларини;
- бозор иқтисодиётида давлатнинг роли тўғрисидаги назария ва концепцияларини;
- бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади, усул ва воситаларини;
- Ўзбекистонда давлатнинг бош ислохотчи ролини;
- Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва эркинлаштириш шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кўламини қисқартириш зарурлигини.

Сиз қуйидагиларни удралайсиз:

- Иқтисодиётни тартибга солиш механизмининг ижобий ва салбий томонларини аниқлашни;
- Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги ва мақсадлари бўйича хулосалар қилишни;
- Давлатнинг иқтисодий функцияларини таснифлашни;
- Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва воситаларини аниқлаш, уларни бир-бирларидан фарқлашни;

- Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодий тартибга солиш ва тартибга солиш хусусиятларини аниқлашни ва хулосалар қилишни.

Модулни ўрганиш юзасидан асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.//Халқ сўзи, 2017йил 23 декабрь.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.2018йил 28декабрь.//Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.2020йил 24 январь.//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
- 4.Шодмонов Ш.Ш. Иқтисодий назарияси. Дарслик.-Т., 2019.
- 5.Abulkasimov H., Xamraev O. Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish.- Т.: “Iqtisod-moliya”,2014. - 304bet
- 6.Абулқосимов Ҳ.П.Иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма.-Т.: Ноширлик ёғдуси, 2018.-520бет.
- 7.Государственное регулирование рыночной экономики: Учебник. Авторский коллектив под. рук. проф. В. И. Кушлина. М. Экономика, 2005 г.
- 8..Грицюк Т. “Государственное регулирование экономике”.- М.,2005г.

Қўшимча адабиётлар

- 9.Баловский Л.Е. «Прогнозирование и планирование в условиях рынка» М.: Инфра-М, 2002.
- 10.Государственное регулирование в условиях перехода к рынку: опыт России и Узбекистан. - Т.: Институт экономики, 2003 г.
- 11.Кочеркин Е.А. “Основы государственного и управленческого контроля” 2000г.
- 12.Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Учебник. 17-изд. - М.: ИНФРА-М, 2009. – 916 стр.
- 13.Самуэлсон Пол Э., Нордхаус Вильям Д. Экономика.Учебник. 18-е изд.: Пер с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2009. – 1360 стр.

Интернет ресурслар.

14. www.gov.uz
15. www.uzreport.com
16. www.stat.uz
17. www.economics.ru
18. www.Lex.uz
19. www.ziyonet.uz
20. www.mineconomy.uz
21. www.mexnat.uz

2.2.2. Маъруза матни (тезислар шаклида)

1. Давлатнинг миллий иқтисодиётини тартибга солишдаги роли ҳақидаги назария ва қарашлар

Иқтисодиёт назарияси тарихида давлатнинг иқтисодиётдаги роли масаласи илмий асосда дастлаб А.Смит томонидан кўриб чиқилган. Унинг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини тадқиқ қилиш ҳақида» (1776 йил) деган китобида бозор усуллари орқали иқтисодиётнинг ўзини ўзи тартибга солишнинг зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Д.Рикардо, Ж.Б.Сей, Д.Миль, А.Маршаллар А.Смит ғоясининг давомчилари бўлиб, улар иқтисодий либерализм ғояси илгари суришди ва ҳозирги кунга қадар замонавий иқтисодчилар томонидан ижобий баҳоланмоқда (неоклассик йўналиш).

Давлатни иқтисодиётдаги ролини ошириш масаласи Ж.М.Кейнснинг «Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» (1936 йил) номли китобида ўз аксини топди. Бу китобда муаллиф давлат фискал ва кредитли тартибга солиш воситаларидан фойдаланиб, жамиятнинг ялпи талабини рағбатлантиришни ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаши зарурлигини исботлайди. “Асосий психологик қонун шундан иборатки, - деб ёзган эди. Ж. Кейнс, - кишилар, одатда, даромадлари ортиши билан ўз истеъмолини кўпайтиришга мойилдирлар, лекин бунда истеъмол даромад ортган даражада ошмайди”¹.

¹ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. -М.: «Иностранная литература», 1948. 90-бет.

Бугунги кунда иқтисодиётни монетар бошқаришнинг пул назарияси, инфляция билан кураш муаммолари 1976 йилги Нобель мукофоти совриндори америкалик Милтон Фридман бошлиқ Чикаго мактаби олимлари томонидан зўр бериб ишлаб чиқилмоқда. М. Фридман монетар қоидаларни қонун йўли билан белгилаш таклифи билан чиқди, унга кўра пул таклифи ҳар йили ЯММ ўсиши мумкин бўлган суръатда ошиши, яъни пул таклифи барқарор равишда йилига 3-5%га кенгайиши, лозим¹.

Ҳозирги даврда давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим мақсади сифатида нафақат циклга қарши тартибга солиш ва иш билан бандликни таъминлаш, балки иқтисодий ўсишнинг юқори даражасини ва яхлит такрор ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштиришни рағбатлантириш тан олинади. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг маълум чегаралари ҳам мавжуд бўлиб, улар давлатнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирдан келиб чиқади. Шунингдек, тартибга солишнинг у ёки бу шакли бозор мувозанати, ишлаб чиқариш ҳажми, ресурсларнинг қайта тақсимланишига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирни ҳам ҳисобга олиш лозим.

2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, унинг мақсади ва вазифалари

Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмининг амал қилиши натижасида бозор мувозанати бузилиши ҳамдаортиқча ёки кам ишлаб чиқариш инқирозлари вақти-вақти билан юз бериб туради. Бунинг оқибатида инфляция, ишсизлик, аҳоли катта қисмининг камбағаллашуви ва қашшоқлик кучаяди. Шунинг учун иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизми туфайли юз берадиган инқирозларнинг олдини олиш, юмшатиш, улардан тез ҳамда қисқа муддатларда чиқишини таъминлаш мақсадида давлат иқтисодиётга аралашуви ва уни тартибга солиши объектив равишда шартланади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш деганда давлатнинг жамият аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш даражасини ошириш учун чекланган ишлаб чиқариш

¹ Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В. 2 Т.Пер.с англ. 11-го изд. Т1.-М.: Республика, 1992.- С. 328.

ресурсларидан янада самарали фойдаланишни таъминловчи, умумий иқтисодий мувозанатга эришишга йўналтирилган, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш бўйича фаолияти тушунилади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсади иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мавжуд тузумни мамлакат ичида ва халқаро майдонда мустаҳкамлаш ва уни ўзгартириб турувчи шароитга мослаштириш ҳисобланади¹.



2.2.1-расм. Давлат бошқарув органларининг миллий иқтисодиётни тартибга солиш бўйича вазифалари²

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади унинг қуйидаги вазифаларида аниқ намоён бўлади:

- 1) бозор тизимининг самарали амал қилишига имкон туғдирувчи ҳуқуқий асос ва ижтимоий муҳитни таъминлаш;
- 2) рақобатни ҳимоя қилиш;
- 3) даромад ва бойликни қайта тақсимлаш;

¹Государственное регулирование рыночной экономики. –М.: Учебное пособие для вузов. / Т.Г.Морозова и др. Под ред Т.Г.Морозовой. – ЮНИТИ-ДАНА. 2001.-С.27.

²Муаллиф томонидан тузилган

4) ресурсларни қайта тақсимлаш;

5) иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни иқтисодий тебранишлар вужудга келтирадиган инфляция ва бандлилик даражаси устидан назорат қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

3. Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усуллари ва воситалари

Давлат миллий иқтисодиётни тартибга солишда бир қатор усуллардан фойдаланади. Бу усулларни умумлаштириб қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- бевосита таъсир қилиш усуллари;
- билвосита таъсир қилиш усуллари;
- ташқи иқтисодий усуллар.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартиблаш чоратадбирлари кризис ва турғунлик шароитида давлат товар ва хизматларга бўлган талабни, капитал қўйилмалар ва бандликни, товар ва хизматлар экспорти, хорижий капитал ва туристларнинг кириб келишини рағбатлантиради, иқтисодий юксалиш даврида эса иқтисодий ўсишни жиловлашга, иқтисодиётнинг қизиб кетишининг олдини олишдан иборат бўлади (2.2.2-расм).



1.3.3-расм. Иқтисодиётга давлат аралашувининг предметлари¹

¹Муаллиф томонидан тузилган.

Давлат иқтисодиётни бевосита тартибга солишда маъмурий воситалардан ҳам фойдаланилади. Маъмурий воситалар давлат ҳокимияти кучига таянади ва тақиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш хусусиятидаги тадбирларни ўз ичига олади. Айниқса ишлаб чиқариш таназзулга учраган даврда иқтисодиётга билвосита таъсир қилиш тадбирлари кам самарали бўлиб, маъмурий воситалардан фойдаланишга устунлик берилади. Бу усуллардан қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

а) иқтисодиётнинг айрим бўғинлари – транспорт, алоқа, атом ва электр энергетикаси, коммунал хизмат ва бошқа соҳаларни бевосита бошқариш;

б) нархлар ва иш ҳақини «музлатиб» қўйиш сиёсати. Бу иқтисодиётга аралашининг антиинфляцион тадбирлари ҳисобланиб, инфляцияни юмшатишга қаратилади;

в) иш билан бандлик хизмати фаолияти (меҳнат биржалари)ни ташкил қилиш;

г) иқтисодий соҳани тартибга солишни кўзда тутувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш (монополияга қарши қонунчилик, тадбиркорлик тўғрисидаги, банк соҳалари, қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини тартибга солишни кўзда тутувчи қонунлар).

Иқтисодиётни билвосита тартибга солишда иқтисодий дастак ва воситаларга устунлик берилади. У давлатнинг пул-кредит ва бюджет сиёсатида ўз ифодасини топади.

Пул-кредит сиёсатининг асосий воситалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- ҳисоб ставкасини тартибга солиш;

- молия-кредит муассасаларининг Марказий банкдаги захиралари минимал ҳажмини ўрнатиш ва ўзгартириш;

- давлат муассасаларининг қимматли қоғозлар бозоридаги операциялари (давлат мажбуриятларини чиқариш, уларни сотиш ва тўлаш).

Давлатнинг бюджет сиёсати унинг даромадлар ва харажатлар қисмини ўзгартиришга қаратилади. Давлат харажатларини қоплаш учун молиявий маблағларни жалб қилишнинг энг асосий дастаги солиқлар ҳисобланади. Солиқлар ёрдамида давлат томонидан тартибга солиш танланган солиқ

тизимига, солиқ ставкаси даражасига ҳамда солиқ турлари ва солиқ тўлашда берилган имтиёзларга боғлиқ бўлади. Давлат иқтисодиётни тартибга солиш воситаси сифатида **бюджет харажатларидан** ҳам фойдаланади. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда асосий капиталга ҳисобланадиган **жадаллашган амортизация** ажратмалари алоҳида роль ўйнайди.

Шунингдек, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш бир қатор шакллари ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин:

-давлат иқтисодий дастурларининг ишлаб чиқилиши;

-илмий тадқиқотлар ва илмий-тадқиқот конструкторлик ишланмалари, ихтироларни давлат томонидан рағбатлантириш ҳамда иқтисодиётдаги ижобий таркибий силжишларни таъминлаш;

-инвестиция жараёни ва иқтисодий ўсишни давлат томонидан тартибга солиш;

-ишчи кучи бозорга давлат томонидан таъсир кўрсатиш;

-қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқалар.

4. Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли.

Бозор иқтисодига ўтиш шароитида давлат бош ислохотчи бўлиши хусусида И.А.Каримов: “Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириши зарур”,¹ деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улуғвор мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Бу борада **“Жамият – ислохотлар ташаббускори”** деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. //Биздан озод ва обод Ватан қолсин.2-ж –Т.: Ўзбекистон, 1994, 36-бет.

янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим“¹,-деб таъкилади. Эндиликда мамлакатимизда амалга ошириладиган ўзгаришлар, янгилинашларнинг ташаббускори тобора жамият, халқ бўлиши кераклиги юртбошимиз томонидан олий мақсад қилиб қўйилмоқда.

Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90-йилларида чуқур инқирозга юз тутган эди. Макроиктисордий барқарорлаштириш дастурининг амалга оширилиши оқибатида Ўзбекистон барқарор ва мутаносиб ўсишга эришди. Ўзбекистонда 1991-2016 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 4,5%ни ташкил этди. Иқтисодий ўсишга эришилган 1996 йилдан 2003 йилгача бўлган йилларда йиллик ўртача ўсиш 4%дан кам бўлмади. 2004 йилдан бошлаб иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитининг яратилиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш чора-тадбирларининг кўрилиши натижасида ЯИМ нинг йиллик ўсиш суръатлари ўртача 7-9% ни ташкил этди².

Мамлакатимизда барқарорлаштириш сиёсати билан бир вақтда давлат мулкани унинг тассарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хусусий мулкчиликни вужудга келтириш, давлат монополиясига барҳам бериш ҳамда хусусий мулкдорлар синфини шакллантириш асосида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари амалга оширилди. Бунинг оқибатида иқтисодиётда давлат секторининг улуши камайиб, нодавлат секторининг улуши ортиб борди.

2008 йилдан АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатларда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиш учун Ўзбекистонда ҳам Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган пул-кредит сиёсати ҳам ушбу макроиктисодий сиёсатга мувофиқлаштирилиб, кўзда тутилган иқтисодий ўсиш суръатларининг пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш билан бир пайтда монетар омилларнинг инфляцияга таъсирининг олдини Асосий капиталга киритилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.//stat.uz.

инвестиция 2016 йилда 1991 йилга нисбатан 4,2 мартага, 2000 йилга нисбатан 5,4 мартага ўсди. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯИМ даги улуши 2016 йилда 25,0%ни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2000 йилда 22,9%ни, 2010 йилда 24,6%ни ташкил этган эди¹.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларнинг натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 2016 йилда 56,9 фоизга етди ёки 1,8 баробар ошди. 2016 йилда кичик бизнес улуши саноатда 45% ни, инвестицияларда 40,3%ни, қурилишда 70,7% ни, чакана савдо айланмасида 89,6% ни, қишлоқ хўжалигида 98% дан зиёдни ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигида 78,1% ни ташкил этди. Ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига даромадлар ўсиб борди. Масалан, 2016 йилда бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 11,7 мартага, ўртача иш ҳақи миқдори 23,6 мартага, пенсия миқдори эса 18,1 мартага ўсди².

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда имзолаган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг амалга оширилиши мамлакатимизни янгилаш ва чуқр ислоҳ этишнинг янги босқичини бошлаб берди. Эндиликда “Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз, деган шиор белгиланган.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да салмоқли натижаларга эришилди. Мамлакатимизга жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди. Ўзбекистон илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари //www.stat.uz.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари //www.stat.uz.

облигацияларини муваффақиятли жойлаштирди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтинги охириги 10 йилда биринчи марта яхшиланди. Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислохотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди. Қишлоқ хўжалигида илғор технологиялар ва кластер тизими жорий этилмоқда. Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятлар сафарбар этилмоқда. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди.

Янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақиға солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди. Натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратади.

Ислохотлар натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Ўзбекистон Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингида 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгаллади ва энг яхши ислохотчи давлатлар қаторидан жой олди¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020йил 24 январь//Халқ сўзи, 2020йил 25 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таклифи билан 2020йилга **“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”**, деб ном берилди. 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган қуйидаги дастурий ва мақсадли вазифалар белгиланди:

биринчидан, 2020 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш;

иккинчидан, иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш;

учинчидан, банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўриш;

тўртинчидан, барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш;

бешинчидан, саноат тармоқларини узлуксиз хомашё ва замонавий инфратузилма билан таъминлаш;

олтинчидан, бизнес муҳитини янада яхшилаш;

еттинчидан, иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш;

саккизинчидан, туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш;

тўққизинчидан, урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш¹.

2.2.3. Семинар машғулот БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ Семинар машғулооти учун режа-топширик Муҳокама учун саволлар:

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020йил 24 январь//Халқ сўзи, 2020йил 25 январь.

1. Иқтисодиётдаги давлатнинг роли деганда нимани тушунасан?
2. Иқтисодиётда давлат қандай қандай вазифаларни бажаради?
3. Давлатнинг иқтисодиётга қандай таъсир қилиш усуллари мавжуд?
4. Адам Смит назариясини изоҳланг?
5. А.Смит ва Ж.Кейнс назарияларининг ўзига хос томонлари нимада?
6. Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилишининг билвосита усуллари деганда нимани тушунасан?
7. Иқтисодиётнинг давлат сектори деганда нимани тушунасан?
8. Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётдаги родини камайтиришни амалга оширилишининг ўзига хос жиҳатлари нимада?

Машғулот мақсади: Иқтисодиётдаги давлатнинг роли ҳақида тушунчаларни ёритиб бериш, баҳоловчи фикрлашни шакллантириш, баҳс-мунозара, фикр алмашиш ва ўз фикрини аниқ ифодалаш кўникмасини ривожлантириш.

Ўқув фаолияти натижалари:

Талабалар билладилар:

- Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тушунчасининг таърифини;
- Иқтисодиётни тартиблашга доир турли хил қарашларни.
- Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усуллари;
- Давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш вазифаларини изоҳлашни;
- Давлат тартиботини мазмунини ёритишни;

Талабалар уддалайдилар:

- иқтисодиётни тартибга солиш йўллари ҳақида ахборотга эга бўладилар;
- 2 хил назарияни бир биридан фарқлайдилар;
- Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда давлатни иқтисодиётдаги роли борасидаги ислохотларнинг мазмунини изоҳлайди.

МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:
Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4 бандини чуқур ўрганиш.

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳити қандай даражада;
2. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида қандай эркинликлар берилмоқда.
3. Корпоратив бошқарувининг замонавий стандартлари ҳақидаги маълумотлар.
4. Давлат - хусусий шериклик.
5. Корхонларни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;
6. Давлат мулкани хусусийлаштириш тартиб-таомилларни янада кенгайтириш;
7. Нодавлат, жамоат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш;
8. Тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиш тартиб-таомиллар механизмларни такомиллаштириш

2.3. “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзусида юзасидан кейслар тўплами, амалий машғулотлар, ишланмалар

2.3.1. Кейс-стади

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёти мисолида «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ КАМАЙТИРИШ ТАҲЛИЛИ»

ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

1. Фаннинг номи: “Иқтисодиёт назарияси”.

Мавзунинг номи: “Ўзбекистон иқтисодиётида давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш таҳлили” мавзуси бўйича кейс.

2. Ушбу кейснинг мақсади – талабаларни ўрганилган мавзу бўйича эгаллаган назарий билимлари асосида амалий ҳаракатлар, мулоқотлар, фикрлаш орқали Ўзбекистон иқтисодиётида давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш жараёнларини таҳлил қилиш натижасида унинг

истикболдаги йўналишлари бўйича мустақил таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш кераклиги билан белгиланади.

Кутилаётган натижалар: Ўзбекистон иқтисодиётида давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш жараёнларини комплекс ва системали тарзда омилли таҳлил қилиш усулларини ўрганиш, иқтисодиётда давлат иштирокининг камайиб боришини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилинини баҳолаш.

Кейсни муқоффақиятли ечиш учун талабалар қуйидаги **натижаларга эришишлари лозим:** иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш борасида амалга оширилган чоратадбирларни ва бу борада эришилган натижаларни баҳолаш ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишнинг устувор йўналишлари бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

3.Ушбу кейс кабинетли тоифасига киради. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтиришга қратилган иқтисодий ва институционал ислохотларни амалга ошириш жараёнлари таҳлили мустақилликнинг дастлабки босқичларидан ҳозирги давргача бўлган иқтисодий жараёнларни ўз ичига олади.

4.Бу ташкилий-институционал кейс.У статистик ва фактик маълумотларига тақрибан асосда тузилган қисқа ва структурали кейс-топшириқ. Кейснинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёт ҳисобланади.

5.Дидактик мақсадлари бўйича – муаммоли саволли кейси ҳисобланиб, амалий машғулот давомида берилган мавзу бўйича олинган билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган. Шу боисдан, кейсда миллий иқтисодиётда вужудга келган муаммони таҳлил қилиб, ижобий ҳал қилиш учун вазифалар, уни ечиш кетма-кетлиги, ахборот манбалари берилган.

6.Кейснинг асосий ахборот манбаси сифатида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”; Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь;Шодмонов Ш.Ш., Ходиев Б.Иқтисодиёт назарияси.Дарслик.-Т., 2019; Шодмонов Ш.Ш., Мамарахимов

Б.Э. Иқтисодиёт назарияси.-Т.:“Iqtisod-Moliya”,2016.-449-465-бет.; Абулқосимов Ҳ.П., Ҳамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш.-Т.: .:“Iqtisod-Moliya”,2014.-23-67-бетлар; Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш.Ўқув қўлланма.-Т.: Ноширлик ёғдуси, 2018; ЎзР. Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz сайти маълумотларидан фойдаланилди.

7.Кейсинг асосий моҳияти, афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- ўқув машғулоти кейс-технологияси орқали ўтказилади;
- талабаларни фаоллигини оширади ва мустақил ишлашга, фикрлашга ундайди;
- аниқ маълумотлар асосида қурилган вазиятнинг мавжудлиги талабаларда уни ечишга қизиқишини уйғотади;

8.Ушбу кейсдан – “Иқтисодиёт назарияси” фанидан ўтказиладиган машғулотларда фойдаланиш мумкин.

Кириш

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш асосида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига барқарор иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бозор механизмининг амал қилишига кенг имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш йўллари таҳлил қилишни тақозо этади.

Иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш иқтисодиётни янада эркинлаштириш, рақобат муҳитини шакллантиришга, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фаоллаштиришга, барқарор ва мутаносиб ривожланишни таъминлашга имкон беради.

Ушбу кейсда Ўзбекистон иқтисодиётида давлат иштирокини камайтиришга таъсир қилувчи ижобий ва салбий омиллар таҳлил қилинган ва иқтисодиётда нодавлат, хусусий сектор улушини ошириш бўйича ички имкониятлари аниқланган

бўлиб, натижада уларнинг миллий иқтисодиётда содир бўлган муайян вазият ҳар томонлама таҳлил қилиш ва баҳолашга имкон бўлади.

Берилган кейсни ечиш натижасида қуйидаги ўқув натижаларига эришиш мумкин:

- ўрганилган мавзу бўйича олинган билимларни мустаҳкамлаш;
- муаммони алоҳида ва гуруҳлараро таҳлил қилишга ва асосли бошқарув қарорларини қабул қилишга ўрганиш;
- мустақил қарор қабул қилишга ўрганиш;
- ўқув маълумотларини ўрганиш даражасини текшириш.
- Иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш, бу борадаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш имкониятларини излаб топиш ва бу борада тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

1. Ўзбекистон иқтисодиётида давлатнинг иштироки кўлами тўғрисидаги вазият билан танишиш

Мазкур масалани ўрганиш учун кейсолог талабаларга Ўзбекистон мустақилликка эришишдан олдин иқтисодиётда давлатнинг роли қандай бўлган, бозор иқтисодиётида давлат қандай рол ўйнаши керак? Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш учун мамлакатимизда қандай ишлар амалга оширилди ва бунинг натижасида нималарга эришилди?, деган саволларга жавоб топишни маслаҳат беради. Кейсолог аввалом бор собиқ тоталитар тизим ва бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ўрни ва ролини ифодаловчи таснифий жадвални тўлдиришни таклиф қилади.

Талабалар ушбу саволларни муҳокама қилиб, давлатнинг собиқ социалистик тузумдаги ва бозор иқтисодиёти шароитидаги ўрни ва ролини ифодаловчи қуйидаги таснифий жадвал тузадилар:

Таснифий белгилар	Собиқ тоталитар тизим шароитида	Бозор иқтисодиёти шароитида
Мулкнинг устувор шакли	Ижтимоий мулк (давлат ва колхоз-кооператив мулки)	Хусусий мулк

Миллий бойлик ва мулкдаги давлат улуши	Жуда катта, монопол мавқеида	Чекланган, устувор мавқеда эмас
Иқтисодиётга давлатнинг аралашуви	Иқтисодиётни бир марказдан бевосита ҳар томонлама бошқариш	Иқтисодиётни устувор равишда иқтисодий усул ва воситалар асосида тартиблаш

Талабалар Ўзбекистон мустақилликка эришганидан бошлаб ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишни мақсад қилиб қўйди. Бозор иқтисодиётини шакллантириш учун хусусий мулк устуворлигини таъминлаш, бунинг учун эса иқтисодиётда давлат иштирокини камайтиришга қаратилган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари амалга оширила бошланганлигини таъкидлаб, бу жараённинг қандай кечганлигини таҳлил ва муҳокама қиладилар.

2. Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш ва унинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш жараёнлари тўғрисидаги маълумотлар

Хусусийлаштириш жараёнида иккита муҳим стратегик вазифа ҳал этилиши кўзда тутилган:

Биринчи стратегик вазифанинг асосий мазмуни – бу давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган мулкнинг ҳақиқий мулкдорлар қўлига берилиши иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш учун реал шарт-шароит яратишга имкон туғдиради.

Хусусийлаштиришнинг **иккинчи стратегик вазифаси** эса иқтисодиётда кўп укладлилиқни ҳамда рағбатлантирувчи кучга эга бўлган рақобат муҳитини яратиш, шу орқали давлатни мулкка бўлган монопол ҳуқуқини тугатиш, хусусий мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналарни барпо этишдир.

Ана шу моделга асосланган ҳолда амалга оширилган хусусийлаштириш жараёнлари шартли равишда ўзаро боғлиқ уч босқичга бўлинади.

Дастлабки, **биринчи босқич** “кичик хусусийлаштириш” даври деб номланди ва 1992-1993 йилларда амалга оширилди. Унда

аҳоли яшайдиган давлатга тегишли уй-жойлар, савдо, маиший хизматлар кўрсатиш, дорихона ва шу каби 53,9 мингта майда давлат корхоналари хусусийлаштирилди. Уларнинг негизда 28,8 мингдан ортиқ нодавлат корхоналари ташкил этилди.

Хусусийлаштиришнинг кейинги - **иккинчи босқичи** „оммавий хусусийлаштириш“ даври деб ном олди ва у 1994-1998 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қурилиш, автомобиль транспорти, агросаноат комплекси ва бошқа тармоқларнинг ўрта ва йирик корхоналари очик акциядорлик жамиятларига айлантирилди ва хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштиришнинг **учинчи босқичи** 1999 йилдан бошланиб ҳозирги кунгача давом этмоқда. Бу босқич “якка тартибда хусусийлаштириш” даври ҳисобланади. Хусусийлаштиришнинг ушбу даври аввалги босқичлардан бир қатор жиҳатлари билан фарқ қилади. Ушбу даврда иқтисодиётнинг ёнилғи-энергетика, металлургия, кимё, темир йўл транспорти ва шу каби бошқа стратегик тармоқларнинг йирик корхоналарини чет эл инвестицияларини кенг жалб этган ҳолда якка лойиҳалар асосида хусусийлаштиришга киришилди.

Хусусийлаштиришнинг янги босқичи 2017 йилдан бошланди.

Давлат мулкани хусусийлаштириш билан бир вақтда институционал ислоҳотлар амалга оширилди. Давлатнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермайдиган давлат план ва режа, давлат таъминоти каби кўмиталари тугатилиб, янги вазирликлар ва Давлат Солиқ ва божхона кўмиталари, икки поқонали банк тизими ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини бошқариш борасида эса уларнинг хусусиятларига мос келадиган, хўжалик юритувчи субъектларга иқтисодий эркинлик беришга ёрдамлашадиган, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантирадиган ташкилий-ҳуқуқий шакллар вужудга келди. Давлатнинг ЯИМ ва саноат, қишлоқ хўжалиги, чакана савдо ва бандликдаги улуши кескин камайди.

3.Билимларни жонлантириш учун саволлар

- 1.Нима учун иқтисодиётда давлат улушини ва иштирокини камайтириш, чеклаш зарур?
- 2.Мустақилликдан олдин давлатнинг иқтисодиётдаги мавқеи қандай бўлган?
- 3.Давлат мулкани унинг тасарруфидан чиқариш нима учун зарур бўлган?
- 4.Хусусийлаштиришдан кўзланган мақсадлар нималардан иборат?
- 5.Давлат мулкани хусусийлаштириш мамлакатимизда қандай амалга оширилди. Унинг асосий босқичларини аниқланг.
- 6.Давлат мулкани хусусийлаштириш билан бир қаторда нима учун маъмурий, яъни институционал ислохотлар амалга оширилди? Бу жараён қандай кечди?
- 7 Хусусийлаштириш ва маъмурий ислохотларни амалга ошириш натижасида қандай натижаларга эришилди?

4. Амалий вазиятни таҳлил қилиш учун методик кўрсатма

Таҳлил босқичлари	Тавсия ва маслаҳатлар
1. Кейс билан танишиш	1.Кейсни ўқиш жараёнида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг. 2.Берилган вазият билан танишинг. Вазиятга таъриф беришга ҳаракат қилинг. 3.Вазиятни таҳлили учун ахборот манбалари билан таъминланганликни аниқланг.
2. Вазиятнинг ташҳиси ва таҳлили	1.Мамлакатда мустақиллик арафасида юзага келган ҳолатни ойдинлаштиринг. Вазиятнинг муҳим хусусиятларини, миқдор ва сифат томонларини белгиланг. Уларга асосан давлатнинг иқтисодиётдаги ҳақиқатда бўлган ва бозор иқтисодиётига ўтгандан кейин бўлиши мумкин бўлган ҳолатини аниқланг ҳамда уларни таққосланг.

	<p>2.Вазиятни таҳлил қилиш жараёнида муаммо қандай даражада ечилишини белгиланг. Уни ечиш мумкинми?, Қандай натижага эришиш мумкин?</p> <p>3.Муаммони ечиш жараёнида бўладиган ёки бўлиши мумкин бўлган қийин ҳолатларни кўрсатинг.</p>
<p>3.Муаммоли вазиятнинг ечими бўйича таҳлил вариантларини танлаш ва баҳо бериш</p>	<p>1.Вазиятнинг ечимини ҳал қилинг. Берилган хулосаларни салбий ва ижобий томонларини кўрсатинг ва баҳоланг. Энг яхши вариантни танланг.</p>

5. Кейсолог-ўқитувчи маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳозирги вақтга келиб, давлатнинг иқтисодиётдаги улуши ва мавқеи анч камайтирилган, аммо нима учун ҳамон Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш зарур? Асосий муаммолар Сизнингча нималардан иборат?, деган савол билан талабаларга мурожаат қилиб, ушбу муаммоларни аниқлаш топшириғини беради.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун талабалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 16 январда Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида “Танқидий таҳлил,қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” мавзусидаги маърузаси ҳамда 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига мурожаатномасида келтирилган муаммоларни таҳлил қиладилар ва бу борадаги қўшимча муаммоларни аниқлаб презентация қиладилар.

Талабалар ўзаро муҳокама қилиб иқтисодиётда давлат иштирокини янада камайтириш зарурлиги қуйидаги муаммоларнинг мавжудлиги билан изоҳлайдилар:

1.“Юртимизда тадбиркорлик нима учун кутилган даражада ривожланмаяпти?. Чунки бу соҳа вакиллари асоссиз равишда текшириш ҳолатлари кўп. Очиғини айтганда, тадбиркорликнинг

эркин ривожланишига ўзимиз-давлат идоралари йўл қўймаймиз” (Ш.М.Мирзиёев маърузасидан).

2.”Ҳеч кимга керак бўлмаган тартиб-тамоийиллар ҳамон сақланиб қолмоқда...”(Ш.М.Мирзиёев маърузасидан).

3.”...жойларда кўпгина амалдорлар фақат ўз шахсий манфаатини ўйлаб иш кўрмоқда”(Ш.М.Мирзиёев маърузасидан).

4.Хусусий бизнес фаолиятига асоссиз аралашиниш кўламнинг катталиги.

5. Назорат органлари бўлган давлат солиқ ва божхона кўмиталарининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришдаги ролининг пастлиги, уларнинг тадбиркорлик фаолияти ривожланишига тўсқинлик қиладиган тартиб-тамоийиллар ҳаддан ташқари кўплиги.

6.Шу билан бирга солиқ, божхона ва бошқа имтиёзларнинг айрим корхоналарга асоссиз равижда кўп берилганлиги оқибатида хусусий секторнинг айрим соҳаларида хусусий монополистик корхоналар пайдо бўлиб, рақобат муҳитининг бузилишига олиб келди.

7.Хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат ва маҳаллий инвестиция дастурларига жалб этишнинг пастлиги.

8.Йирик саноат корхоналари ва тармоқларида давлат улушининг юқорилиги.

9.Хусусий корхоналар маблағларини жойлардаги ҳокимият органлари томонидан ноқонуний равишда бошқа мақсадлар учун йўналтиришга мажбурлаш ҳолатларининг кенг тарқалганлиги.

10. Қишлоқ хўжалигида паст унумдор ерларга ҳам пахта экишга фермерларни мажбурлаш ва бунинг оқибатида уларнинг иқтисодий-молиявий ҳолатининг ёмонлашуви.

11.Давлат буюртмаси билан пахта ва ғалла етиштираётган фермер хўжаликларини молиялаштириш тизимидаги бюрократия.

12.Тадбиркорлик субъектларининг банклардаги маблағларидан эркин фойдаланишларига тўсиқларнинг мавжудлиги.

Талабаларнинг эътиборини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон фармонида мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислохотларнинг

муваффақиятли амалга оширилиши ва 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясининг** мақсадларига эришиш давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (кейинги ўринларда ижро этувчи ҳокимият органлари деб юритилади) уйғун фаолиятини ташкил этишни талаб қилиши қайд этилганлигига жалб этиш муҳимдир..

Фармонда “иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, хусусан:

биринчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудларни ривожлантириш суръатларини пасайтирувчи, жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминламаяпти;

иккинчидан, айрим ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифаларнинг декларатив хусусиятга эгаллиги, давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларининг мавжудлиги амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

учинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг амалдаги тизими муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни таъминламаяпти;

тўртинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш механизмлари кўпчилик ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайди;

бешинчидан, ижро этувчи ҳокимият органларининг ички идоравий ва идоралараро ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизмлари мавжуд эмас;

олтинчидан, давлат функциялари ва ваколатларининг ҳаддан ташқари марказлашганлиги ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим

муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келмоқда;

еттинчидан, бошқарув жараёнига ишларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион услубларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражаси қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш ва унинг жараёнини тезкор кузатиб бориш имконини бермайди, шунингдек, давлат бошқарувида ортиқча бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга сабаб бўлмоқда;

саккизинчидан, хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлатнинг тартибга солиш ва хўжалик функциялари қўшиб олиб борилиши, эскирган тармоқ бошқарув тизими, индивидуал имтиёз, преференция ва афзалликларнинг асоссиз тақдим этилиши соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда;

тўққизинчидан, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ривожланмаганлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги иштирокини чекламоқда ва оқибатда бюджет харажатларининг камайишини таъминламаяпти;

ўнинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг етарли даражада очик ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик назоратининг кучсиз механизмлари ҳаддан ташқари бюрократия ва коррупциянинг турли кўринишларига олиб келмоқда;

ўн биринчидан, айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни ва мақсадли кўрсатмаларни ўз вақтида ҳамда сифатли ҳал этишга салбий таъсир қилмоқда”¹-деб таъкидланган. Бу муаммоларнинг талабалар томонидан кенг муҳокама қилиниши мақсадга мувофиқдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон фармони //Халқ сўзи, 2017 йил 9 сентябрь.

6. Кейсолог-ўқитувчи аниқланган муаммоларни ҳал этиш йўллари асослаш ва бу борада талабаларнинг мустақил таклифлар ишлаб чишлари бўйича топшириқ беради.

Талабалар бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг маърузалари ва “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”дан, дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялардан фойдаланиш, ҳамда маъруза дарсида олган билим ва кўникмалари асосида қуйидаги муаммоларни ҳал этиш йўналишларини белгилайдилар:

1.Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган давлат мулки объектларини хусусий тадбиркорлик субъектларига ва хорижий инвесторларга “нол” қиймат ва инвестиция киритиш шarti билан сотиш жараёнларини жадаллаштириш.

2.Акциядорлик компанияларидаги давлат улушларини иккиламчи қимматбаҳо қоғозлар бозорида сотишни кенг миқёсда давом эттириш.

3.Шу билан бирга давлат мулки тассарруфида бўлиши лозим бўлган стратегик тармоқ ва корхоналар миқёсини қатъий белгилаш лозим.Натижада мамлакат иқтисодий хавфсизлигини ишончли ҳимоя қилиш концепцияси ва қонунини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

4.Маъмурий ислохотларни янада чуқурлаштириш асосида марказий давлат органлари ваколатларининг доирасини оқилона равишда қисқартириб, уларнинг ваколат доирасини қатъий чеклаш ва белгилаш.

5.Бунинг учун уларнинг ҳудудий ривожланишни тартибга солиш билан боғлиқ ваколатларини жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларига узатиш йўли билан номарказлаштириш, бошқача айтганда марказсизлаштириш жараёнларини амалга ошириш лозим. Бунинг учун уларнинг ҳозиргача амалга ошираётган вазифаларини мониторинг қилиб ўрганиб чиқиш лозим ҳамда шу асосда марказсизлаштиришни амалга оширишнинг бош режасини ишлаб чиқиб, амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

6. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилувчи органлар фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш ва барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишни 2 йилга тўхтатиш (Ш.М.Мирзиёев, Олий Мажлисга мурожаатномадан).

7. Солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарур (Ш.М.Мирзиёев, Олий Мажлисга мурожаатномадан).

Ўзбекистонда Маъмурий ислохотларнинг амалга оширилишидан кутилаётган натижалар.

1. Кутилаётган ислохотларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлашга, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал этишга қодир бўлган, инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини яратиш, шу жумладан, қуйидагилар орқали:

ортиқча ва ўзига хос бўлмаган вазифа, функция ва ваколатларни бартараф этиш, такрорлаш ва параллелизмни тугатиш ҳисобига давлат бошқаруви тизимини оптималлаштириш ҳамда номарказлаштириш;

давлат бошқарувини бюрократиядан холи қилиш ва унинг сарф-харажатларини пасайтириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини ошириш;

стратегик режалаштириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар тизимини жорий этиш;

иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ҳамда бошқарувнинг соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва аҳолининг ишчанлик фаоллигини оширишга қаратилган бозор механизмларини кенгайтириш;

жамоатчилик ва парламент назоратининг, энг аввало, коррупция кўринишларининг олдини олишга қаратилган самарали шакллари жорий этиш.

2. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг фаровонлигини ва

ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятдан қаноатланиш даражасини янада ошириш, шу жумладан, қуйидагилар орқали:

давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишга қаратилган маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштиришни, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этишни назарда тутувчи маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

«Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш;

жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш¹.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотларни самарали амалга оширишнинг пировард натижасида «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоя ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши лозимлиги қайд этилган.

Қўшимча маълумотлар.

Талабалар бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида қуйидаги маълумотларни ўрганиб, таҳлил қиладилар

2017 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3454 сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда солиқларнинг турлари ва уларнинг ставкаларига боғлиқ бир қатор ўзгаришлар белгилаб берилган. **2018 йилдан** солиқлар борасида қандай ўзгаришлар содир бўлишини, уларнинг натижаларини аввалги йилларга таққослаган ҳолда ўрганиб чиқилди.

¹ Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепцияси //Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон фармонининг 1-илоvasи.

2018 йилда Солиқ ва тўлов, ажратмалар	%
фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқларини бирлаштириш орқали умумий базавий ставкани	15,5% дан 14,5%гача камайтириш
Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига ажратмаларни ягона тўловга — давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларга бирлаштириш орқали умумий ставкани	3,5%дан 3,2% гача камайтириш
Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ юки даражасини фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобрақамларига ажратмалар миқдорини	1 фоиздан 2 фоизгача ошириш
жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари шкала бўйича	0 — 7,5 — 16,5 — 22,5 фоиз
Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқнинг аҳоли тадбиркорлик фаоллигини оширишга қаратилган ставкасини	ўртача 30 фоизга пасайтириш
Ҳудудлар хусусиятлари ва фаолият кўрсатиш жойи ҳисобга олинган ҳолда, маҳаллий ҳокимият органларига жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва қатъий белгиланган солиқлар бўйича белгиланган базавий ставкаларга нисбатан	0,7-1,3 гача камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффициентларни қўллаш ҳуқуқини бериш

2019 йил 1 январдан бошлаб:

Барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдорида жорий этиш, шундан 0,1 фоизини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтириш. Бунда фуқароларнинг айрим тоифалари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари

миқдоридаги даромадларини солиқ солишдан озод қилишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади;

Фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган суғурта бадалларини бекор қилиш;

Бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун ягона ижтимоий тўлов миқдори 25 фоиз этиб, қолган юридик шахслар учун 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилган ставкада белгилаш.

Айланмадан (ялпи тушумдан) солиқларни оптималлаштириш билан умумбелгиланган ва соддалаштирилган солиқлар тўловчиларни солиққа тортиш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш мезонлари қуйидагилар орқали такомиллаштирилади:

Давлат мақсадли жамғармаларига юридик шахсларнинг айланмасидан (ялпи тушумидан) ундириладиган мажбурий ажратмаларни бекор қилиш;

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун 22 фоиздан 20 фоизгача пасайтириш, шунингдек, мобил алоқа хизмати кўрсатаётган юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) учун, рентабеллик даражасидан келиб чиқиб улар учун қўшимча фойда солиғи ҳисоблаш тартибини бекор қилган ҳолда 14 фоиздан 20 фоизгача ошириш;

Дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиғи ставкасини 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш;

Ўтган йил якунлари бўйича йиллик айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки жорий йил давомида ушбу белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш. Бунда йиллик айланманинг (ялпи тушумнинг) 1 миллиард сўм этиб белгиланган чегаравий миқдори ҳар 3 йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилади;

Барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган юридик шахслар учун

юримдик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этиш;
Қўшимча фойда солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини, шу жумладан, роялти тўлашни жорий этиш орқали такомиллаштириш.

Солиқ солишнинг содалаштирилган тартиби бўйича солиқ тўловчиларга солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг салбий таъсирини камайтириш чоралари қуйидагилар орқали амалга оширилади:

Юримдик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини, бино ва иншоотлардан, шу жумладан, илгари хусусийлаштирилган объектлардан самарасиз фойдаланаётган юримдик шахслар учун юқори ставкада солиқ ҳисоблаш тартибини сақлаб қолган ҳолда 5 фоиздан 2 фоизга пасайтириш;

Йиллик айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган солиқ тўловчилар учун айланмадан (ялпи тушумдан) солиқни 4 фоиз миқдордаги базавий ставкадан келиб чиқиб ҳисоблаш ва тўлаш тартибини ҳамда ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлаш имкониятини белгилаш;

Ягона ер солиғи тўловчилари учун амалдаги солиқ солиш тартибини сақлаб қолиш.

Ўзгаришлар натижаси:

Қуйидагилар **2020-2024** йилларда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясининг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

солиқ-бюджет сиёсатига стратегик ёндашувни татбиқ этиш мақсадида ўрта муддатли бюджет асосларини ишлаб чиқиш ҳамда йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги **“натижага йўналтирилган бюджет”** тизимини жорий этиш;

макрофискал прогнозлар ишончилигини таъминлаш бўйича институционал салоҳиятни ва бюджет жараёни иштирокчиларининг масъулиятини ошириш;

бюджет маблағларини тақсимловчилар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини ва ҳисобдорлигини ошириш ҳамда уларнинг масъулиятини кучайтириш;

фискал таваккалчиликларни баҳолаш, молиявий активлар ва мажбуриятлар ҳисобини юритиш ҳамда уларни самарали бошқариш тизимини жорий этиш;

бюджет ҳисоби стандартларини унификация қилиш, ички назорат ва аудит тизимини такомиллаштириш орқали молиявий интизомни мустаҳкамлаш;

бюджет маълумотларининг очиқлиги, тўлиқлиги ва халқаро стандартларга мослигини таъминлаш;

бюджет жараёни устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.

2020йилда Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар:

-солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш бўйича енгиллаштирилган механизмлар киритилди;

-биринчи марта тадбиркорларга ички бозорда сотган маҳсулоти бўйича қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш тартиби жорий этилмоқда. Ҳозиргача бу тартиб фақат маҳсулот экспорт қилинганда қўлланар эди. Бунинг ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида 3,4 триллион сўм ёки ўтган йилга нисбатан 2,5 баробар кўп маблағ қолади;

-энди тадбиркор томонидан тўланган ортиқча солиқ ўз муддатида қайтарилмаса, унга Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича бюджетдан фоиз тўланади.

Солиқ хизмати ходимлари дунёқарашини тубдан ўзгартириш ва малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси қошида Фискал институтини ташкил этилади.

Умуман олганда, солиқ ва мажбурий тўловлар ставкаларининг босқичма-босқич камайтирилиши ҳисобига хўжалик юритувчи субъектлар (тадбиркорлар)нинг фаоллигини ошириш 2020-2024йилларда асосий мақсад қилинганини ушбу ўзгаришлардан англаш мумкин. Шунингдек, ҳудудлардаги маҳаллий бюджет маблағларини тасарруф этиш бўйича ҳам маҳаллий ҳокимиятларга кўплаб ваколатлар берилган.

Талабалар томонида давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришга йўналтирилган таклифларини давом эттирадilar.

Тез ривожланаётган, йириклашиб бораётган корхоналарни рағбатлантириш сиёсатига ўтиш (Ш.М.Мирзиёев, Олий Мажлисга мурожаатномадан).

Бошқарув тизими сифатини оширишда **“Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”** деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш.

Валюта сиёсатини янада такомиллаштириш ва бунинг натижасида валюта сиёсати бизнес ва иқтисодиётни ривожлантириш манфаатларига тўлиқ хизмат қилиши, инвестиция фаолиятига ижобий тurtки бериши лозим ((Ш.М.Мирзиёев, Олий Мажлисга мурожаатномадан).

Коррупцияга қарши курашни кучайтириш керак. “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”
(Ш.М.Мирзиёев, Олий Мажлисга мурожаатномадан).

Марказий банкнинг пул-кредит, монетар сиёсатни ўтказишдаги фаолиятини назоратга олиш, унинг ҳаддан ташқари кенг ваколатларини оқилонлаштириш, қайта молиялаштириш сиёсатини такомиллаштириш.

Шу асосда **“Ҳар бир кредитни аниқ ишлатишда етти ўлчаб, бир кесиш тамойилига қатъий амал қилиш зарур”**(!”
(Ш.М.Мирзиёев, Олий Мажлисга мурожаатномадан).

Хулоса

Талабалар томонидан ўтказилган назарий ва амалий таҳлил Ўзбекистон иқтисодиётида давлат иштирокини янада камайтириш, иқтисодиётни янада либераллаштириш, бу асосда мамлакатимиз ривожланишининг етакчи кучи бўлган хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янгида фаоллаштириш, бунинг оқибатида истиқболда юқори барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, мамлакатимизнинг ички ва жаҳон

бозорларида рақобатдошлигини оширишга эришиш имкониятларининг вужудга келтирилишини тасдиқлади.

Ушбу кейс назарий фанда макроиқтисод даражасида назарий жиҳатдан муаммоли ҳолатларни ўрганиш юзасидан баҳс-мунозара қилиш, муаммоли вазиятларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш йўналишларини аниқлаш ва бу борада давлат раҳбари ва ҳукумат томонидан белгиланган ечимлар билан бир қаторда бир неча мустақил таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда талабалар томонидан ўз билимларини тизимли таҳлил асосида қўллаш имконияти борлигини кўрсатди.

Калитли тушунчалар

<ul style="list-style-type: none"> -Давлат тартиботи -иқтисодиётнинг ҳуқуқий асоси -иқтисодий самарадорлик -неоконсерватив оқим -кейнс таълимоти -стагфляция -А.Смит - Ж.М.Кейнс - таклиф назарияси - молиявий сиёсат 	<ul style="list-style-type: none"> -ресурс -пул эмиссияси -иқтисодий цикл -бевосита таъсир қилиш усуллари -билвосита таъсир қилиш усуллари -М.Фридман -баланс -макроиқтисодий татибга солиш -чекланган иқтисодий ресурслар -буйруқбозлик иқтисодиёти
---	--

2.4. Назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан кўрсатмалар

ФАН: “Иқтисодиёт назарияси”

2.4.1. “БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ”

МАВЗУСИ БЎЙИЧА ДАРАЖАЛИ ТЕСТЛАР

I-даражали. Ўқувчиликка оид (таниш бўйича ҳаракатланиш) тестлар

Мақсад	Натижа	Тестлар тоифаси ва турлари	Тестлар
<p>Бозор иқтисодиёти ни тартибга солишда давлатнинг роли тўғрисидаги тушунчаларни шакллантириш</p>	<p>Талабалар бозор иқтисодиёти ни давлат томонидан тартибга солишнинг моҳиятини тушунтиради, тушунчалар ни айтади, санаб ўтади, қайтариб беради, ташқи белги ва хусусиятлари бўйича билади, танийди</p>	<p>Таниб олишликка оид топшириқ</p>	<p>Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиши бозор қонунларига зид. А. Ҳа *В. Йўқ</p>
		<p>Ажратиб олишликка оид топшириқ</p>	<p>Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усулларини кўрсатиш А) Иқтисодий, маъмурий, ижтимоий-маданий; В) Бюрократик ва режалаштириш; С) Қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш; Д) Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва солиққа тортиш.</p>
		<p>Таснифликка оид топшириқ</p>	<p>Иқтисодиётнинг давлат сектори-бу ... А) Барча акциядорлик компаниялари; В) Мулк эгаси давлат бўлган барча ташкилотлар, корхоналар ва компаниялар; С) Мулк эгаси давлат бўлган барча саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, корхоналари ва компаниялари; Д) Хизмат кўрсатиш соҳасидаги барча фирма ва компаниялар.</p>

**2-даражали. ТАРТИБЛИЛИККА ОИД (АЛГОРИТМ,
НАМУНА, ЎХШАШЛИК БЎЙИЧА ХАРАКАТЛАНИШ)
ТЕСТЛАР**

Мақсад	Натижа	Тестлар тоифаси ва турлари	Тестлар
Ўзлаштирилган маълумотларни қайта айтиб бериш ва шулар асосида намунавий топшириқлар ечиш кўникмаларини текшириш	Бозор иқтисодиёти ни давлат томонидан тартибга солишнинг моҳияти, усул ва воситалари, давлат механизмнинг афзалликлари ва бўйича назарий билимларни ўхшашлик бўйича қўллаш, ҳаракатларни тартиб бўйича бажариш кўникма ва малакаларини шакллантириш	Қўшимчала р кўйиладиغان тестлар	Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари-булар... А) Иқтисодий, маъмурий, ижтимоий-маданий; В) Бюрократик ва режалаштириш; С) Қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш; Д) Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва солиққа тортиш.
		Тузилишликлик (конструкто рлик) ка оид тестлар	Қуйидаги иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари гуруҳи таркибига кирувчи воситалар турларини ёзинг. 1. Бевосита тартиблаш усуллари: _____ _____ 2. Билвосита тартиблаш усуллари: _____ _____
		Намунавий	Иқтисодий

		топширик-лар	<p>ривожланишда давлатнинг ролини алоҳида кўрсатувчи кўрсаткичлардан бири бу-</p> <p>А) ЯИМ ва бюджет даромадлари;</p> <p>В) умумий банд бўлганлар сонига давлат секторида банд бўлганлар нисбати;</p> <p>С) бюджет харажатлари ва ЯИМ мутаносиблигида намоён бўлади;</p> <p>Д) бюджет даромади ва ижтимоий соҳага харажатлар мутаносиблигида.</p>
--	--	--------------	---

3-даражали. ИЖОДИЙ ФИКРЛАШ КўНИКМАЛАРИНИ ТЕКШИРИШ

Тест мақсади	Натижа	Тестлар тоифаси ва турлари	Тестлар тоифаси ва турлари
<p>Мавзу юзасидан талабаларнинг ўзлаштирган билимларини ижодий қўллай олиш кўникмаларини текшириш</p>	<p>Талаба ўзлаштирган назарий ҳамда амалий билимларига таянган ҳолда намунавий тартиб асосида топширикни охирига етказиш учун маълумотларн</p>	<p>Амалий топширик</p>	<p>Сизнинг фикрингизга кўра иқтисодиётда давлат аралашуви ва иштирокини камайтириш учун Ўзбекистонда қандай чоратadbирлар амалга оширилиш лозим:</p> <p>1. Давлат бошқаруви органларини қисқартириш;</p> <p>2. Давлатга қарашли</p>

	и қидириб топади, таҳлил қилади ҳамда натижалар асосида хулосалар чиқаради		объектларни хусусийлаштириш; 3.Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларга бутунлай барҳам бериш; 4.Давлатга қаршли тармоқ ва соҳаларини оптимал таркибини белгилаш, давлатиштирокини талаб қилмайдиган тармоқ ва соҳа корхоналарини хусусийлаштириш. Сиз ўз фикрингизни асословчи 3 та далил келтиринг.
--	--	--	---

**4-даражали. ИЖОДКОРЛИККА ОИД (ҲАРАКАТЛАРНИ
ИЗЛАШ)**

Тест мақсади	Натижа	Тестлар тоифаси ва турлари	Тестлар тоифаси ва турлари
Аниқ вазиятда юзага келган муаммоларни мустақил ажратиш ва ечиш, изланувчанли	Аниқ вазиятга тегишли муаммони мустақил ажратади ва уни ҳал		Давлат томонидан Ўзбекистонда иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш бўйича чора- тадбирларини аниқлаш

<p>к қобилиятини ривожлантир иш</p>	<p>қилиш йўлини топади.</p>	<p>Кейс-стади</p>	<p>(“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг тегишли йўналишларини таҳлил қилиш). Топшириқ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг тегишли йўналишларини таҳлил қилиш асосида қўшимча чора-тадбирларни аниқлаш бўйича тадқиқот ўтказиш.</p>
---	-------------------------------------	-------------------	---

**“Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли”
ўқув модули бўйича назорат топшириқлари ва мустақил
таълим юзасидан кўрсатмалар**

Репродуктив тестлар

**1-даражали тестлар. Танишув ёки билишлик даражасига
оид тестлар:**

1. Иқтисодиётни бозор механизми орқали тартибга солиш дастакларини кўрсатинг?

- А) Фойда, солиқ, инфляция;
- В) Жамғариш ва инвестиция;
- С) Нарх, пул, кредит;
- Д) Нарх, талаб ва таклиф, рақобат;

2. Нима сабабдан бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишнинг зарурати юзага келади?

- А) Миллий молия капиталини иқтисодий мақсадларга ишлатишдан;
- В) Бозор механизмлари ҳал эта олмайдиган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муаммоларни ҳал этиш, мувофиқлаштиришдан;
- С) Ҳарбий-саноат комплексларини яратиш қизиқишларидан;
- Д) Давлат корхоналарини кўпайтиришдан.

3. Иқтисодий муаммолардан қайси бирини бозор механизми орқали бартараф этиб бўлмайди?

- А) Фан техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- В) Ресурслардан самарали фойдаланиш;
- С)) Ижтимоий ҳимоя, муҳофаза, экология ва бошқа ижтимоий муаммоларини;
- Д) Талабни таклифга мослаштириш.

2-даражали тестлар. Алгоритмли даражага оид тестлар:

4. Қуйидагилардан қайси бири бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг вазифаси ҳисобланмайди?

- А) Пул-кредит муносабатларини тартибга солиш;
- В) Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- С) Ижтимоий ишлаб чиқаришни режалаштириш ва товар нархларини ўрнатиш;
- Д) Иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш.

5. Иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий йўлларини кўрсатинг?

- А) Фақат бозор механизми;
- В) Ягона марказдан онгли равишда марказлашган режали бошқариш;
- С) Давлат ва бозор механизмлари уйғунлиги асосида;

D) Бозор механизми, ягона марказдан онгли равишда марказлашган режали бошқариш, давлат ва бозор механизмлари уйғунлиги асосида.

3-даражали тестлар. Продуктив тестлар:

7. Иқтисодий ривожланишда давлатнинг ролини алоҳида кўрсатувчи кўрсаткичлардан бири бу-

A) ЯИМ ва бюджет даромадлари;

B) умумий банд бўлганлар сонига давлат секторида банд бўлганлар нисбати;

C) бюджет харажатлари ва ЯИМ мутаносиблигида намоён бўлади;

D) бюджет даромади ва ижтимоий соҳага харажатлар мутаносиблигида.

8. Агар мамлакат тўлов балансида жорий операциялар ҳисобининг доимий тақчиллиги мавжуд бўлса, унда давлат қайси чораларни кўриш керак:

A) импортни ошириб ва иқтисодиётга катта миқдорда пул келиши учун экспортни камайтириш керак;

B) экспортни кўпайтириш учун валюта курсини ошириш керак;

C) импортга солиқ ва экспортга субсидияларни киритиб, миллий валютани дефляция қилиш керак;

D) тақчиллик молиялаштиришни давом эттириш мақсадида хорижий мамлакатлардан маблағ олиш керак.

9. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари кўрсатинг

A) Иқтисодий, маъмурий, ижтимоий-маданий;

B) Бюрократик ва режалаштириш;

C) Қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш;

D) Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва солиққа тортиш.

2.4.2. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси модели

Мавзу (23) БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

<i>Вақт: 2соат</i>	<i>Талабалар сони: 30-45нафар</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли ва</i>	<i>Маъруза (ахборотли)</i>

<i>тури</i>	
<i>Маъруза режаси / ўқув машгулотининг тuzилиши</i>	<p>1. Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли ҳақидаги назария ва қарашлар.</p> <p>2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги, унинг мақсади ва вазифалари.</p> <p>3. Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усуллари ва воситалари.</p> <p>4. Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли.</p>
<p><i>Ўқув машгулоти мақсади:</i> Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизми, давлатнинг иқтисодий вазифалари, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва воситалари каби тушунчаларни шакллантириш, бу борада мустақил ижодий изланиш ва билим топиш ҳамда уларни Ўзбекистон иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишда қўллаш кўникмларини ҳосил қилиш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i> Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли ҳақидаги назария ва қарашлар билан таништириш; Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмнинг таснифини бериш; Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлигини, мақсадларини тушунтириш;</p>	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> Иқтисодиётда давлатнинг роли тўғрисидаги назария ва қарашларнинг бир-биридан фарқини кўрсатадилар; Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмни таснифлайдилар; Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлигини, мақсадларини айтиб берадилар; Иқтисодиётни давлат</p>

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг усул ва воситаларининг мазмунларини очиб бериш; Ўзбекистонда давлатнинг ислохотларни амалга оширишдаги ва иқтисодиётни тартиблашдаги роли ва аҳамиятини очиб бериш.	томонидан тартибга солишнинг усул ва воситаларининг мазмунларини тартибли равишда очиб берадилар; Ўзбекистонда давлатнинг ислохотларни амалга оширишдаги ва иқтисодиётни тартиблашдаги роли ва аҳамиятини очиб берадилар.
<i>Ўқитиш методлари</i>	Маъруза, блиц-сўров, ақлий хужум.
<i>Ўқув фаолиятини ташкиллаштириш шакли</i>	Оммавий, Жамоавий
<i>Ўқитиш воситаси</i>	Маъруза матни, компьютер, проектор, доска, слайдлар.
<i>Ўқитиш шароити</i>	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гуруҳларда ишлашга мўлжалланган 302-хона
<i>Қайтар алоқанинг йўл ва воситалари</i>	Оғзаки назорат: тезкор-сўров, баҳс-мунозара.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Иш босқич-лари ва вақти	ҲАОЛИЯТ МАЗМУНИ	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
1. Ўқув машғуло-тига кириш босқичи	1.1.Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижалар етказилади, машғулот режаси таништирилади. Бу мавзунинг ўтган дарс мавзуси билан боғлайди.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. Аниқлаштирадилар,

<p>(13 дақиқа)</p>	<p>1.2. Ахборотли (кўрғазмали) маъруза машғулоти мунозара шаклида ташкил этилишини эълон қилади. Мунозара ўтказишнинг тартибини айтиб ўтади. 1.3. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. 1.4. Ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p>	<p>саволлар берадилар. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.</p>
<p>2. Асосий босқич (55 дақиқа)</p>	<p>2.1. Ўтган мавзунинг янги мавзу билан алоқадорлигини тушунтириб, Тезкор-сўров/ савол-жавоб/ ақлий ҳужум орқали билимларни фаоллаштиради. 2.2. Маъруза машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён этади. 2.3. Иқтисодиётни тартибланиши бўйича назария ва қарашларнинг мазмунини баён қилади. 2.4. Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмларини тушунтиради, уларнинг фарқли томонларини таснифий жадвал орқали баён этади. 2.5. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибланишнинг зарурлиги мақсад ва вазифаларини слайдлардан</p>	<p>Жавоб берадилар Ёзадилар. Тинглайдилар, ёзадилар. Тинглайдилар, ёзадилар. Мунозарали маълумотлар бўйича фикрларини аниқлаштириш бўйича савол берадилар. Тинглайдилар, ёзадилар. Савол берадилар. Тинглайдилар,</p>

	<p>фойдаланган ҳолда тушунтиради. 2.6.Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва воситаларини тушунтиради. Уларнинг қўлланиши бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ривожланган мамлакатлар қўллаган чоралар бўйича статистик ва фактик маълумотлар келтиради.</p> <p>2.7. Ўзбекистонда давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги вазифаларини баён этади ва тушунтиради. Давлатнинг барқарорлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши, глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида амалга оширилган Инқирозга қарши чоралар дастури тўғрисида маълумотлар беради. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш”, “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” бўлимларида давлатнинг</p>	<p>ёзадилар. Савол берадилар. Ўз фикрларини билдирадилар.</p> <p>Тинглайдилар, ёзадилар. Савол берадилар. Ўз фикрларини билдирадилар.</p> <p>Тинглайдилар, асосий мазмунни ўзлари учун белгилаб оладилар.</p> <p>Ушбу масала бўйича баҳс-мунозара қиладилар, умумий хулосага келадилар.</p>
--	---	---

	<p>иқтисодиётдаги аралашуви кўламини қисқартиш бўйича чоралар билан таништиради.</p> <p>2.8. Ҳозирги шароитда иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмларини уйғунлаштириш масаласи бўйича мунозара “ақлий ҳужум” ўтказди.</p> <p>2.9. Режадаги ҳар бир масаласини ёритиш ва муҳокамасида қисқа якуний натижалар билан хулосалашни ташкил этади.</p>	
<p>3. Якуний босқич (12 дақиқа)</p>	<p>3.1. Ўқув машғулотининг натижаларини умумлаштиради, талабалар эътиборини ўзлаштирилган билимларнинг келгусида касбий фаолиятдаги аҳамиятига боғлайди.</p> <p>3.2. Мавзу бўйича талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун “Блиц-сўров” ўтказди. Фаол талабаларни баҳолайди.</p> <p>3.3. Семинар машғулот учун мустақил таълим бўйича вазифа беради: эшитилган маърузалар мавзуси бўйича қўшимча адабиётлардан фойдаланган ҳолда маъруза ва рефератлар тайёрлаш.</p>	<p>Тинглайдилар, умумлашган хулосаларни ёзиб оладилар.</p> <p>Ўз-ўзини ўзаро баҳолаш.</p> <p>Тинглайдилар, вазифаларни ёзиб оладилар, саволлар берадилар.</p>

Блиц-сўров савол ва жавоблари

<i>№</i>	<i>Савол</i>	<i>Жавоб</i>
1.	Макроиқтисодий тартибга солиш деганда нимани тушунаси?	Бу миллий хўжаликни ижтимоий ташкил этиш ва тартибга солиш усуллари ва мазкур босқичда табиий, моддий, меҳнат, молиявий, интеллектуал ва бошқа ресурсларни жамият эҳтиёжларига мувофиқ тарзда тақсимлаш механизмлари йиғиндиси.
2.	Иқтисодиётни тартибга солиш назариясидаги неоклассик йўналишлар неча хил?	2 хил:
3.	Давлатнинг иқтисодиётдаги роли ҳақидаги назарияларна қисса қўшган олимларни айтиб беринг?	<ul style="list-style-type: none"> • Адам Смит (1776 й). • Ж.М.Кейнс (1936й).
4.	Монетаризм сўзи нимани англатади?	асосчиси америкалик иқтисодчи М.Фридман ҳисобланади. Унинг фикрига кўра давлатнинг иқтисодиётга энг кам даражада аралашуви пул муомаласи доирасида бўлиши керак.

5.	1929-1933 йилларда бозор иқтисодиётига асосланган барча мамлакатларни қамраб олган иқтисодий инқирозли ҳолатни таҳлил этиб, ўз асари билан ушбу ҳолатдан олиб чиқиб кетган олим ким эди?	М.Ж.Кейнс
----	--	-----------

Илова (2.2.)

“Муаммоли вазият” жадвалини тўлдириш

Вазиятдаги муаммолар Тури	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари

Тўлдирилган жадвал (ўқитувчи олдиндан тўлдиради – талаба қўлига берилмайди)

Муаммоли вазият	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари
1929 - 1933 йилларда бозор иқтисодиётига асосланган деярли барча мамлакатларда иқтисодий инқироз юз берди.	Иқтисодий таназзул ва оммавий ишсизлик

Ўтказилган таҳлиллар ва натижалар

Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш – объектнинг ҳолати аниқлангандан сўнг, муаммонинг асосий қирраларига эътибор қаратиб, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини таҳлил

қилишга ҳаракат қиламиз. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олиб, “Т - СХЕМА” жадвалини тўлдирамиз.

А.Смит назариясининг муаммоли томонлари нима эди?	Ж.Кейнс назариясининг ўзига хос томонлари нимада эди?
•	
•	

Тўлдирилган жадвал (ўқитувчи олдиндан тўлдиради – талаба қўлига берилмайди)

А.Смит назариясининг муаммоли томонлари нима эди?	Ж.Кейнс назариясининг ўзига хос томонлари нимада эди?
Хусусий товар ишлаб чиқарувчилар бозори давлат назоратидан тўлиқ озод бўлиши зарур деб ҳисоблади. Бу кейинчалик халқаро даражадаги иқтисодий таназзул пайтида ўзини оқлай олмади.	Давлат фискал ва кредитли тартибга солиш воситаларидан фойдаланиб, жамиятнинг ялпи талабини рағбатлантиришни ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаши зарурлигини ифодалайди.
истеъмолчилар талабига мос равишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имкони мавжуд бўлиши лозим эди.	давлатнинг иқтисодиётдаги ролини янада кўпроқ ошиб бориши рўй берди.
бозор воситасида тартибга солиш, ҳар қандай четдан аралашувсиз ишлаб чиқарувчиларни бутун жамият манфаатлари учун ҳаракат қилишга мажбур қилади.	Циклга қарши тартибга солиш ва иш билан бандликни таъминлаш.

Муаммоли вазиятларни ҳал этиш бўйича амалий машғулотда ўқитиш технологияси

**4.2. Таълим технологиясининг модели
СЕМИНАР МАШҒУЛОТИДА ТАЪЛИМ БЕРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ МОДЕЛИ**

<i>Вақт – 2соат</i>	<i>Талабалар сони - 20-25гача</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i>	<i>Маъруза ва рефератлар муҳокамаси</i>
<i>Ўқув машғулотининг тузилиши</i>	<p>1.Мавзунинг мазмуни бўйича билимларни чуқурлаштириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> ❖ Бозор иқтисодиётида давлат роли бўйича назария ва қарашлар. ❖ Бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартиблаш механизмининг ижобий ва салбий жиҳатлари. ❖ Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги, мақсади ва вазифалари.Давлатнинг иқтисодий вазифалари. ❖ Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишнинг усул ва воситалари. ❖ Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли. <p>2. Юқоридаги мавзулар бўйича гуруҳ талабалари томонидан рефератлар такдимотини ўтказиш, уларни муҳокама қилиш ва баҳолаш.</p>
<i>Ўқув машғулоти мақсади:</i>	<ul style="list-style-type: none"> • Бозор, бозор механизми, талаб, таклиф, рақобат, иқтисодиётни тартибга солиш, инқироз, давлатнинг иқтисодий вазифалари, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва воситалари, солиқ-бюджет, пул-кредит, давлатнинг даромадлар ва бандлик сиёсати, ижтимоий ҳимоя каби

	<p>тушунчаларни шакллантириш, бу борада мустақил ижодий изланиш ва билим топиш ҳамда уларни Ўзбекистон иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш (назарий ва амалий ахборотларни тизимлаштириш).</p>
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Мавзу юзасидан кўшимча адабиётлардан янги маълумотларни излаб топиш малака ва кўникмаларини шакллантириш; • Янги маълумотларни маъруза машғулотида олинган билимлар билан таққослаш, бириктириш асосида янги билимларни ҳосил қилиш кўникмаларини шакллантириш; • Гуруҳларда ишлаш коммуникацион кўникмаларини ва ўз позициясини ҳимоялаш кўникмаларини ривожлантириш. 	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Аввалдан берилган топшириқ асосида фаолиятни режалаштиради ва ташкиллаштиради: мавзу бўлимлари бўйича кўшимча адабиётлардан маълумотлар қидириб топадилар. • Тақдимотларда берилган янги маълумотларни маъруза машғулотида олинган билимлар билан таққослайдилар, бириктирадилар ва шу асосда янги, кенгайтирилган билимларни ҳосил қиладилар. Катта ҳажмдаги ахборотни таҳлил қилиш асосида маълумотларни умумлаштирадилар ва асосий мазмунни бойитадилар. • Мунозара ва баҳс жараёнида қатнашиб, коммуникацион ҳамда ўзининг фикр-мулоҳазаларини ҳимоялаш кўникмаларини ривожлантирадилар.
<p><i>Ўқитиш</i></p>	<p>Намойиш, мунозара, инсерт</p>

<i>методлари</i>	
<i>Ўқув фаолиятини таъкиллаштириш шакли</i>	Оммавий ва гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Компьютер технологиялари, график органайзерлар (кластер, тоифалаш ва концептуал жадвал), флип-чат.
<i>Ўқитиш шароити</i>	Техник воситалари билан таъминлашган, гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<i>Қайтар алоқанинг йўл ва воситалари</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб, муҳокама натижалари Ёзма назорат: гуруҳлар тайёрлаган реферат.

«БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ»

мавзусида семинар машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1. Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа)	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди. 1.2. Семинар машғулоти учун берилган топшириқ мазмунидан келиб чиқиб, гуруҳни кичик гуруҳларга бўлади. 1.3. Гуруҳларнинг фаолият натижаларини баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Эшитадилар, ёзиб оладилар. Кичик гуруҳларга бирлашадилар. Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.

<p>2. Асосий босқич (55 дақиқа)</p>	<p>2.1. Кичик гуруҳлар аъзолари томонидан реферат маърузалари бўйича маълумотларнинг мавзулар доирасида ажратиб олиниши ва умумлашган ҳолда маърузага тайёрланиш жараёнини ташкил этади.</p> <p>2.2. Маърузачилар томонидан қўшимча адабиётлардан қидириб топилган янги маълумотларни маъруза дарсида ўзлаштирилган асосий мазмунга боғланган ҳолда маъруза қилишини, ноаниқ маълумотлар ёки мавзуга мос бўлмаган маълумотлар берилган пайтда кичик гуруҳларни мунозарага киришларини ташкиллайди.</p> <p>2.3. Ҳар бир реферат тақдимоти якуни бўйича хулосалар қилинишини ташкил этади.</p>	<p>Кичик гуруҳда ишлайдилар: режа мавзуси бўйича маълумотларни ажратиб оладилар, умумлаштирадилар ва маърузачини инструкциядан ўтказадилар.</p> <p>Тақдимот қиладилар. Эшитадилар ва ёзиб борадилар. Маълумотларни тўлдирадилар. Мунозарага кирадилар, саволлар берадилар. Аниқлик киритадилар</p> <p>Эшитадилар. Хулосаларга муносабат билдирадилар. Ёзиб оладилар.</p>
<p>3. Якуний босқич (15 дақиқа)</p>	<p>3.1. “Ақлий ҳужум” ёрдамида талабалар томонидан олинган янги билимларни индивидуал тарзда маърузадаги билимлар билан бириктирилишини ташкил этади. Гуруҳлар тақдимотларида келтирилган янги маълумотларни қўшган ҳолда гуруҳлар билан бирга мавзу бўйича хулосаларни</p>	<p>Инструкция асосида инсерт жадвалида ишлайдилар.</p> <p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p>

	<p>умумлаштиради. 3.2. Гуруҳлар фаолиятини баҳоланишини ташкил этади. Белгиланган мақсадга эришилиш даражасини гуруҳлар билан биргаликда таҳлил қилади.</p>	<p>Ўз-ўзини ўзаро баҳолайдилар.</p>
--	---	-------------------------------------

АНЖУМАНЛИ СЕМИНАРДА ҚАТНАШЧИЛАРНИНГ БАҲОЛАНИШ МЕЗОНЛАРИ

Кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонлари (балл)	Маърузачилар			
	ФИО	ФИ О	ФИ О	ФИ О
1. Мавзунинг мазмуни (1,5);				
- мавзуга мослиги (0,5);				
- баённинг кетма-кетлик мантиқи, мазмунининг бойлиги (0,5);				
- хулосаларнинг аниқлиги (0,5)				
2. Маълумотларни беришда воситалардан фойдаланганлик даражаси (намоён материаллар) –(0,4)				
3. Регламент тартиби (0,1)				
ЖАМИ				

Кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонлари (балл)	Экспертлар			
	ФИО	ФИ О	ФИ О	ФИ О
1. Мавзуга қўшимчалар (0,5)				
2. Мавзунинг кучли томонларини кўрсатганлиги (0,6)				
3. Мавзунинг кучсиз				

томонларини кўрсатганлиги (0,6)				
4. Регламентнинг тартиби (0,3)				
ЖАМИ				

Кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонлари (балл)	Оппонент – дискуссия қатнашчиси			
	ФИО	ФИ О	ФИ О	ФИ О
1. Саволлар:				
- ҳар бир саволга (0,15);				
- аниқлигига (0,1);				
2. Савол юзасидан берилган фикрга (1,0)				
ЖАМИ				

Мавзунини ёритишда қўшимча материаллар

“SWOT” таҳлил жадвали

<p>S - кучли томонлари</p> <p>1. Давлатнинг аралашувини бозор механизмлари билан уйғунлаштириш орқали иқтисодиётни тартибга солишга эришилаётганлиги;</p> <p>2. жамиятнинг муҳим турмуш соҳаларини бошқараётганлиги;</p> <p>3. мақсадли давлат дастурларининг ўрта ва узоқ муддатга мўлжаллаб амалга оширилаётганлиги;</p>	<p>W- Кучсиз томонлари</p> <p>1. Ишсизлик;</p> <p>2. Ишлаб чиқариш корхоналарини тўла иқтисодий самарадорликка эришишга ҳаракат қилмаётганлиги;</p>
<p>O – имкониятлар</p> <p>1. Янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш юзасидан эркин иқтисодий фаолият олиб бора олади.</p>	<p>T – таҳдидлар</p> <p>1. Иқтисодиётда кутилмаган вазиятларнинг вужудга келиши;</p> <p>2. молиявий-иқтисодий инкирозлар</p>

2. истиқболда мақсадли давлат дастурларини амалга ошира олади.	3. инфляция даражасининг кескин ошиб кетиши
--	---

2.4.3. Назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан тегишли кўрсатма, тавсия ва топшириқлар тўплами

Талабалар мустақил ишларининг мазмуни ва асосий шакллари

«Иқтисодиёт назарияси» фани бўйича талабалар реферат ва мустақил ишларини ташкил этиш уларда иқтисодий билим, дунёқараш, ижтимоий фаоллик ва мустақил фикрлашни шакллантиришга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади. У ўқув режаси ва фанлар дастурларида кўзда тутилган зарур билимлар ва кўникмаларнинг талабалар томонидан оқилона, кам вақт ва куч сарфлаб ўзлаштирилишини таъминлайди.

Иқтисодиёт назариясини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, талабанинг қизиқишларини, англаш фаоллигини ва мустақил ишларини ривожлантириш йўналишида боради, бунда ижодий фикрлаш, мустақил ўқиш, кўникма ва лаёқатлари шаклланади.

Талаба мустақил иши – муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштиришига йўналтирилган тизимли фаолиятдир. Мустақил ишни бажаришдан асосий мақсад – «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси профессор-ўқитувчиларининг бевосита раҳбарлиги ва назорати остида талабаларни семестр давомида фанни узлуксиз ўрганишини ташкил этиш, олинган билим ва кўникмаларни янада мустаҳкамлаш, келгусидаги дарсларга тайёргарлик кўриш, ақлий меҳнат маданиятини, янги билимларни мустақил равишда излаб топиш ва қабул қилишни шакллантириш ҳамда ушбу тариқа университетда рақобатбардош кадрларни тайёрлашга эришишдан иборат.

“Иқтисодиёт назарияси” фани бўйича талабалар мустақил ишини ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;

- семинар машғулотларига тайёргарлик кўриб бориш;

- белгиланган мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент қарорлари ва фармонлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларни конспектлаштириш;

- тестлар ечиш;

- илмий мақола, тезислар ва маъруза матнларини тайёрлаш;

- “талаба-ўқитувчи-кутубхона” кунида фан бўйича янги ўқув адабиётлари шарҳини ўқитувчи билан ҳамкорликда тайёрлаш;

- факультативлар ва махсус семинарлар ишларида иштирок этиш;

- кафедралар ва факультетларнинг илмий ҳамда илмий-услубий ишларида иштирок этиш ва бошқалар.

Мавзунинг мустақил ўзлаштириши Фаннинг хусусияти, талабаларнинг билим даражаси ва қобилиятига қараб ишчи ўқув дастурига киритилган алоҳида мавзулар талабаларга мустақил равишда ўзлаштириш учун топширилади. Бунда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва очиқ беришга хизмат қиладиган таянч иборалар, мавзунинг тизимли баён қилишга хизмат қиладиган саволларга эътибор қаратиш, асосий адабиётлар ва ахборот манбаларини кўрсатиш лозим.

Реферат - бу талабалар мустақил ишларининг самарали шакллари билан биридир. Мазкур шакл талаба томонидан реферат мавзусини танлаш, унда ёритиладиган масалалар мазмунини олдиндан режалаштириш, рефератни тайёрлаш ва муҳокама қилишнинг барча босқичларида кафедра профессор-ўқитувчиларининг ташкилий-услубий ёрдами ва маслаҳати асосидагина самарали амалга ошириши мумкин. Топшириқ талабаларнинг реферат ёзиш кўникмаларини, илмий қизиқишлари ва билим даражасини ҳисобга олган ҳолда берилиши жуда муҳим.

Кўрғазмали воситалар тайёрлаш. Талабага муайян мавзуни баён қилиш ва яхшироқ ўзлаштириш учун ёрдам берадиган кўрғазмали материаллар тайёрлаш вазифаси топширилади. Мавзу ўқитувчи томонидан аниқланиб, талабага маълум кўрсатмалар, йўл-йўриқлар берилади. Кўрғазмали воситаларнинг миқдори, шакли ва мазмуни талаба томонидан мустақил танланади. Бундай вазифани бир мавзу бўйича бир неча талабага ёки талабалар гуруҳига топшириш ҳам мумкин.

Мавзу бўйича тестлар, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш.

Талабага мустақил иш сифатида муайян мавзу бўйича тестлар, қийинчилик даражаси ҳар хил бўлган масалалар ва топшириқлар, мунозарага асос бўладиган саволлар тузиш вазифаси топширилади.

Бунда ўқитувчи томонидан талабага тестга қўйиладиган талаблар ва уни тузиш қонун-қоидалари, қандай мақсад кўзда тутилаётганлиги, муаммоли саволлар тузишда мавзунинг мунозарали жиҳатларини қандай ажратиш лозимлиги, топшириқларни тузиш усуллари бўйича йўл-йўриқ берилади.

Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш. Талабага бирон-бир мавзу бўйича (мавзуни талабанинг ўзи ҳам танлаши мумкин) илмий мақола, тезис ёки маъруза тайёрлаш топширилиши мумкин. Бунда талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли материаллар тўплайди.

Талабаларнинг илмий-назарий конференциялари ҳам талабалар мустақил ишларининг шаклларида биридир. Кафедра профессор-ўқитувчилари талабалар илмий-назарий конференциясини ташкил этиш орқали ўз ишини гуруҳнинг касбий йўналтирилганлигини, аъзоларининг ёш таркибини, қизиқишларини ҳисобга олиб, табақалашган ҳолда ташкил қилиши керак. Фақат шу ҳолдагина талабаларнинг конференцияни ўтказишда фаол иштироки ва манфаатдорлиги таъминланади. Талабаларнинг илмий-назарий конференцияларини босқичма-босқич ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодиёт назарияси фани бўйича талабаларнинг

илмий-назарий конференцияларини қуйидаги босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1-босқич – фан ўқитилаётган барча ўқув гуруҳларида конференцияларни ўтказиш;

2-босқич – ҳар бир гуруҳда танлаб олинган талабаларнинг энг яхши маърузаларини факультет ва факультетлараро конференцияга тақдим этиш ва ўтказиш;

3-босқич – факультетлараро конференцияда танлаб олинган энг яхши маърузаларни умумуниверситет илмий-назарий конференциясига тақдим этиш.

Бутун гуруҳлар учун ягона бўлган конференция мавзусини тасдиқлаб, талабаларнинг маъруза ва чиқишларини гуруҳларнинг қизиқишларига қараб ихтисослаштириш мумкин.

Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг асосий тамойиллари

Талабалар мустақил ишларини ташкил этишда «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш» бўйича йўриқномада белгиланган қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир:

1.Талабалар мустақил ишларини икки кўринишда – аудиторияда ва аудиториядан ташқарида ташкил этиш.

2.Талабалар мустақил ишларини тизимли равишда, яъни босқичма-босқич, оддийдан мураккабга қараб ташкил этилишини таъминлаш.

3. Талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш:

- талабанинг ўқиш босқичи;
- муайян фаннинг ўзига хос хусусияти, ўзлаштиришдаги қийинчилик даражасига;
- талабанинг қобилияти, назарий ва амалий тайёргарлик даражасига;
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражасига;
- талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражасига;
- мустақил иш фан хусусияти ҳамда талабанинг академик ўзлаштириш даражасига ва қобилиятига мос ҳолда ташкил этиш.

2.5. “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзуси юзасидан тайёрланган тақдимот намуналари

Мавзу: Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли


режа

- 1. Давлатнинг миллий иқтисодиётини тартибга солишдаги роли ҳақидаги назария ва қарашлар.
- 2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солининг зарурлиги, унинг мақсади ва вазифалари.
- 3. Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усуллари ва воситалари.
- 4. Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли.

1-жадвал. Давлатнинг миллий иқтисодиётини тартибга солишдаги роли ҳақидаги назария ва қарашлар


Олимлар	Назарий қарашлари
А.Смит	“кўринмас қўл” назарияси, давлат тунги қоровул
Ж.М.Кейнс ва неокейнсчилар	Давлат иқтисодга муттасил солиқ-бюджет воситалари орқали тартиблаши лозим
М.Фридман ва монетар назария	Иқтисодиётни давлатнинг аралашуви чекланган. Пул-кредит воситалари орқали тартибга солиш

Бозор мувозанати





Ўзбекистонда давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги вазифалари



Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари

Солиқ солинадиган даромад	2015й.	2018й
	Солиқ ставкаси	Солиқ ставкаси
энг кам иш ҳақининг 1 бараваригача миқдорда	0	0
энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан (+1 сўм) 5 бараваригача миқдорда	8,5 %	7,5 %
энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан (+1 сўм) 10 бараваригача миқдорда	17 %	16,5 %
энг кам иш ҳақининг 10 баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	23%	22,5%

2018 йилда Солиқ ва тўлов, ажратмалар	%
фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқларини бирлаштириш орқали умумий базавий ставкани	15,5% дан 14,5%гача камайтириш
Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига ажратмаларни ягона тўловга — давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларга бирлаштириш орқали умумий ставкани	3,5%дан 3,2% гача камайтириш
Жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқ юки даражасини фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобрақамларига ажратмалар миқдорини	1 фоиздан 2 фоизгача ошириш
жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари шкала бўйича	0 — 7,5 — 16,5 — 22,5 фоиз
Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқнинг аҳоли тадбиркорлик фаоллигини оширишга қaratилган ставкасини	ўртача 30 фоизга пасайтириш
Ҳудудлар хусусиятлари ва фаолият кўрсатиш жойи ҳисобга олинган ҳолда, маҳаллий ҳокимият органларига жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва қатъий белгиланган солиқлар бўйича белгиланган базавий ставкаларга нисбатан	0,7-1,3 гача камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффициентларни қўллаш ҳуқуқини бериш

- **2019 йил 1 январдан бошлаб:**
- Барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдоридан жорий этиш, шундан 0,1 фоизини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтириш белгиланган.
- Бунда фуқароларнинг айрим тоифалари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдоридagi даромадларини солиқ солишдан озод қилишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинди;
- Фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинadиган суғурта бадалларини бекор қилинди.

Монетар сиёсат воситаларининг турлари

Бевосита воситалар	Билвосита воситалар
Фоиз ставкаларини чегаралаш	Очиқ бозордаги операциялар
Мақсадли кредитлар	Мажбурий захиралар
Ҳар бир банк учун кредитлаш миқдорини белгилаш	Векселларни қайта ҳисобга олиш механизми
Ҳар бир банк учун ҳисобга олиш меъёрларини белгилаш ва бошқалар	Қисқа муддатли депозитлар механизми Кредит аукционлари Ломбард ва овердрафт механизмлари Валюта своғлари ва бевосита олди-сотди операциялари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга
муурожаатномасида иқтисодиёт соҳасида белгиланган вазифалар

№	2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифалар:
1.	2020 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш
2.	Иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш
3.	Банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўриш
4.	Барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш

ДАВОМИ

5.	Саноат тармоқларини узлуксиз хомашё ва замонавий инфратузилма билан таъминлаш
6.	Бизнес муҳитини янада яхшилаш биз учун энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолади.
7.	Иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш
8.	Туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш
9.	Урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Олий Мажлисга мурожаатномасида ижтимоий ислохотлар
соҳасида белгиланган вазифалар**

1.	Аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш. Камбағалликни камайтириш. Янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.
2.	Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислохотларни ҳам қатъият билан давом эттириш.
3.	Хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш. “Ўзбекистон ёшлари – 2025” концепциясини ишлаб чиқиш.
4.	Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш керак. Бу борада ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз учун янги оммавий спорт объекларини қуриш.
5.	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтириш.
6.	Маданият ва санъат муассасаларига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш

Инсерт жадвали

Тушунчалар	В	+	-	?
Субсидия белгиланади	В			
Монополияни вужудга келади			-	
Рақобат ривожланади				?
Дотацияда ётади		+		
Имтиёзли кредит ажратилади				?
Олигаполия вужудга келади	В			
Пул-кредит сиёсати	В			

в) - мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.


КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ



ВЕНН ДИАГРАММАСИ



T – жадвал



“Нима учун” схемаси





«Нима учун?» чизмасини тузиш қондалари

1. Айлана ёки тўғри тўртбурчак шакллардан фойдаланишни ўзингиз танлайсиз.
2. Чизманинг кўринишини - мулоҳазалар занжирини тўғри чизиклими, тўғри чизикли эмаслигини ўзингиз танлайсиз.
3. Йўналиш кўрсаткичлари сизнинг кидирувларингизни: дастлабки ҳолатдан изланишгача бўлган йўналишингизни белгилайди.

“Балиқ скелети” чизмаси



"Қандай?" диаграммаси



«Қандай?» диаграммасини қуриш қоидалари

1. Кўпгина ҳолларда муаммони ечишда "нима қилиш керак"лиги тўғрисида ўйланиб қолмаслигингиз керак. Асосан муаммо, уни ечишда "буни қандай қилиш керак?", "қандай" асосий саволлар юзага келишидан иборат бўлади.

"Қандай" саволларининг изчил берилиши қуйидагилар имконини беради:

муаммони ечиш нафакат бор имкониятларни, балки уларни амалга ошириш йўллари ҳам тадқиқ қилиш;

қўйдан юкорига босқичма-босқич бўйсунадиган ғоялар тузилмасини аниқлайдилар.

Диаграмма стратегик даражадаги саволлар билан ишлашни бошлайди. Муаммони ечишнинг пастки даражаси биринчи галдаги ҳаракатларнинг рўйхатига мос келади.

1. Барча ғояларни ўйлаб ўтирмасдан, баҳоламасдан ва таққосламасдан тезликда ёзиш керак;

Диаграмма ҳеч қачон тугалланган бўлмайди: унга янги ғояларни киритиш мумкин;


Агарда чизмада савол унинг "шоҳларида" бир неча бор қайтарилса, унда у бирор муҳимликни аниқлатади. У муаммони ечишнинг асосийси бўлиши мумкин;

Янги ғояларни график кўринишда: дарахт ёки каскад кўринишидами, юқоридан пастгами ёки чапдан ўнгга қайд қилинишини ўзингиз ҳал этасиз;

Агарда сиз ўзингизга тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимни топишингизни кафолатлайди

Тузилмавий-мантиқий чизма “Поғона”ни қуриш қоидалари

1. «Поғона»ни тузиш жараёнида тизимли схеманинг таркибий қисми ва элементларини сылжитиш мумкин – бу у ёки бу ҳолатни қайта фикрлаш имконини беради.
2. Агарда сиз ғояларни ишлаб чиқишда тор йўлакка кириб қолсангиз, у ҳолда бир-икки даража юқорига қайтинг ва муҳим нарсани унутмаганингизга ҳамда бошқача нимадир қилиш мумкин эканлигини кўриб чиқинг.
3. Сиз чапдан ўнгга ёзишга ўргангансиз. «Каскад» қуришни ўнгдан чапга қараб тузишга ҳаракат қилинг. Бунинг учун асосий ғояни чап тарафда эмас, балки ўнг тарафда жойлаштиринг.



«Нилуфар гули» чизмаси

		В			З			С
					В	З	С	
		Д			Д	А	Ғ	
					Г	Н	Ү	
		Г				Н		
							Ү	

👉 «Нилуфар» гули чизмасини тузиш қоидалари

▪ Амалий нуқтаи назардан барча ғояларни ихчам деб тасаввур қилинг (битта-иккитаси билан чегараланинг), бу ҳам ақл учун фойдали машқ ҳисобланади.

▪ Сизга катта қоғоз варағи зарур бўлади. Доимо ўзингиз мушоҳадаларингиз натижасини бир варақ қоғозда кўриш фойдали ҳисобланади. Қарама-қарши ҳолда эса сизга бир варақдан бошқасига сакраб юришингизга ва бунда зарурий бирор муҳим нарсани унутишингизга олиб келади.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқлари каби таълим соҳасини янада ривожлантириш, ислоҳ қилиш ва ўқув жараёнларига илғор педагогик технологияларни жорий этиш ва шу орқали таълим мазмунини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз керак. Ҳеч бир давлат илм-фаннинг барча соҳаларини бирйўла тараққий эттира олмайди. Шунинг учун биз ҳам ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш тарафдоримиз”¹, -деб таъкидлаган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш назарда тутилган².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган. Қабул қилинган қарорга кўра, ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан хориждаги етакчи турдош

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020йил 24 январь. //Халқ сўзи, 2020 йил 25январь.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг 1-илоvasи// Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш вазифаси қўйилган.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг самарали ечимини тўлиқ таъминлаш мақсадида олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш мақсадида Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди. Дастурга мувофиқ, 2017-2021 йилларда 48 та олий таълим муассасасида жами 180 та ўқув, илмий-лаборатория биноси, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмалари объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади. Шунингдек, 53 та олий таълим муассасасида 400 та ўқув лабораторияси босқичма-босқич энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланади, 7 та олий таълим муассасасида барча олий таълим муассасалари ўзаро ҳамкорликда фойдаланадиган илмий лабораториялар ташкил этилади¹.

Давлатимиз тамонидан таълим соҳасига қаратилаётган юксак эътибор таълим сифатини янада оширишга ва таълим жараёнида янги педагогик ва илғор технологияларни кенг жорий этишни талаб қилмоқда. Айни бир пайтда таълим жараёнида янги педагогик ва илғор технологияларни кенг жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори// Халқ сўзи, 2017 йил 21 апрель.

Ушбулардан келиб чиқиб, “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзусини модулли таълим технологияси асосида ўқитиш бўйича хулосалар қўйидагилардан иборат:

1) Олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида қўлланилаётган замонавий таълим технологиялари қаторида модулли таълим технологияси энг самаралиларидан бири ҳисобланади. Мазкур модул “Иқтисодиёт назарияси” фанини, шу жумладан, “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзусини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ва талабаларга пухта билим беришда юқори самара беради;

2) мавзу бўйича талабаларда дарслик, ўқув қўлланма, Ўзбекистон республикаси Президентининг Фармон ва Қарорларини, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларини, шунингдек, илмий-оммабоп ва қўшимча адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникмалари, ижодий ва мустақил фикрлашни ривожлантириш кўникмасини шакллантириш модулли таълим технологиясининг ўзига хос жиҳати ҳисобланади;

3) ҳар бир мавзу бўйича турли тушунчаларни таққослаш ва таҳлил этиш кўникмаларини ривожлантиради, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ва қарор қабул қилишга ўргатади;

4) мавзуга доир турли ахборотлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўра билиш кўникмасини ҳосил қилишга ёрдам беради. Модулли ўқитиш орқали ўқитиш мазмунини оптималлаштириш ва тизимлаш дастурларини ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлашга эришилади;

5) модулли таълим - мустақил фаолиятни рағбатлантирувчи ёндашув бўлиб, унда ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратилади. Ўқитиш жараёнида таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасида ўзаро ҳаракат юзага келади ва унинг самардорлиги ўқитувчи ва талабани ҳамкорлигига боғлиқ бўлади;

6) модулли ўқитишда – ўқитишни индивидуаллаштиришга эътибор қаратилади. Ўқитиш жараёнида шахснинг ақлий, ҳиссий ва иродавий ривожланиши, билишга бўлган интилишларини ва ижодий фаолликни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлашга эришилади;

7)ўқитишни жадаллаштириш ҳисобига фанни самарали ўзлаштиришга эришилади. Модулли ўқитишда амалий фаолиятга ўргатилади ва кузатиладиган ҳаракатларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлиги назорат қилинади;

8)Касбий мотивация (қизиқтириш) асосида ўқитиш жараёни фаоллаштирилади, мустақил ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга эришилади. Ўқув жараёнида талабада қониқиш, билиш қувончини, ҳайрон бўлиш, яъни у ниманидир бажара олиши ҳиссини уйғонади. Талаба фақат ўқув материали ва маълумотларни қайтариб қолмасдан, балки билимлар асосида топшириқлар занжирини еча олиш кўникмасига эга бўлади.

“Иқтисодиёт назарияси” фанини ўқитишнинг модул тизимини ўқув жараёнига тадбиқ этиш ҳамда “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзусини модулли таълим технологияси асосида ўқитишни такомиллаштириш борасида қуйидаги **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

-таълим жараёнининг объекти ва субъекти шахс эканлигини инобатга олиб, таълим берувчининг ҳам, таълим олувчининг ҳам маълум даражадаги тайёргарлигига эришиш, уларнинг ўқитишни модулли тизимининг мазмун-моҳияти ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш асосида талабани иқтисодчи касбини тўғри танлаганлигига ишонтириш, жамият учун бу мутахассисликнинг муҳимлигини англашига эришиш;

-“Иқтисодиёт назарияси” фани ва бошқа иқтисодий фанларни ўқитиш бўйича модулли ўқитиш технологиясининг назарий-услубий асосларини янада такомиллаштириш асосида назарий билимларни амалиёт билан узвий боғлашга эришиш;

-“Иқтисодиёт назарияси” фанини, шу жумладан, “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзусини модулли ўқитишда инновацион таълим технологияларини самарали қўллаш, бунда интерфаол методлардан унумли фойдаланишга эътиборни кучайтириш;

-“Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзуси юзасидан семинар машғулотлари ва назорат турларида амалий топшириқлар, кейс-стади ва муаммоли таълим методларидан кенгроқ фойдаланиш асосида мамлакатимизда

амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотларнинг мақсади, вазифаларини, устувор йўналишларини чуқур билишга эришиш;

“Иқтисодиёт назарияси” фанини ўтишда интернет ва бошқа манбалардан олинган аудиовизуал материаллардан, ҳукуматнинг расмий сайтларидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, турли мақолалар, статистик маълумотлардан кенг фойдаланиш;

-иқтисодиёт соҳасининг етук олимлари ва ишлаб чиқаришда катта ютуқларга эришган амалиётчи мутахассислар, ишбилармон тадбиркорларни таклиф этган ҳолда мастер-класс мазмунидаги тренинглар ёки бинар маърузаларни ташкил этиш, уларнинг назарий ва амалий салоҳиятидан фойдаланиш;

-талабаларнинг ўқув фанини мустақил ўзлаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида фаннинг электрон ўқув модули ишланмасини илғор хорижий адабиётлар материаллари асосида доимий равишда бойитиб бориш. Бунинг учун иқтисодий фан ўқитувчилари томонидан тайёрланган электрон дарслик ва ўқув қўлланмаларни олий ўқув юртларининг сайтларига, ахборот ресурс марказларининг электрон адабиётлар базасига киритиш мақсадга мувофиқдир;

-“ Иқтисодиёт назарияси” фанини, шу жумладан, “Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли” мавзусини модулли ўқитишда инновацион таълим технологиялари асосида профессор-ўқитувчи томонидан педагогик концепция ишлаб чиқилиши, уни таълим жараёнига тадбиқ қилиш асосида таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билимлар унинг келажакдаги фаолияти, меҳнат тури ва ишлаб чиқаришда эгаллайдиган ўрнига боғлиқ бўлишини таъминлаш лозим;

-бозор иқтисодиётига ўтиш даври ниҳоятда мураккаб ва бирмунча узоқ даврни ўз ичига олиши мумкин. Шунинг учун ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда, шу жумладан, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси (ҳозирги Давлат бошқаруви академияси)нинг 1995-2012 йиллардаги тажрибасидан келиб чиқиб, “Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар” ўқув курсини олий таълим муассасаларида ўқитишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир;

-яқин йилларда “Ўтиш иқтисодиёти” фан йўналиши сифатида ривожланиши ва бу борада илмий тадқиқотларнинг кўпайиши ҳамда ўқув курсини жорий этиш долзарб аҳамиятга эга бўлади.

Фойдаланилган ва ўрганилган Адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12- сон, 295 модда.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 4947-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш [концепциясини](#) тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847–сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306–сон, қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сон қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси

вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисида”ги Низом.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
3. Олий таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. - Т.:2013(I-II том).
4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат йиғилишининг 2013 йил 9 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёни ва методик фаолиятни модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этилишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 8/4 сонли қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент – «Ўзбекистон» - 2017 йил.
6. Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 20 сентябрь 189-сон.
7. Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили./ Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясида

мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашувида сўзлаган нутқи. 2016 йил 30 декабрь.//Халқ сўзи, 2016йил 31 декабрь (www.gazeta.uz).

8. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.//Халқ сўзи, 2017 йил 8 декабрь.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.2017йил 22 декабрь.//Халқ сўзи,2017йил 23 декабрь.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.2018 йил 28декабрь//Халқ сўзи,2018йил 29 декабрь.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.//Халқ сўзи,2020йил 24 январь.

V. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

12. Шодмонов Ш.Ш., Ходиев Б. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик.-Т.,2019.

13. Шодмонов Ш. Ш., Ғофуров У. В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. – 728 бет.

14. Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Шарқ», 2014. – 480 бет.

15.Абулқосимов Ҳ.П. ва бошқ. Иқтисодиёт асослари ва Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий ислохотлар. Т.:Akademiya,2012

16.Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш.Ўқув қўлланма.-Т.: Ноширлик ёғдуси, 2018.- 520 бет

17.Abulkasimov H., Xamraev O. Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish.- Т.: “Iqtisod-moliya”,2014. - 304bet

18.Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Учебник. 17-изд. - М.: ИНФРА-М, 2009. – 916 стр.

19.Носова С.С., Новичкова В.И. Экономическая теория для бакалавров. Учебное пособие. - М.: КНО РУС, 2009. – 368 стр.

20. Самуэлсон Пол Э., Нордхаус Вильям Д. Экономика. Учебник. 18-е изд.: Пер с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2009. – 1360 стр.
21. Станковская И.К., Стрелец И.А. Экономическая теория. Учебник. 3-е изд., испр. – М.: «Эксмо», 2009. – 448 стр.
22. Собирова Д.А. Иқтисодиёт соҳасида замонавий ахборот-коммуникацион технологиялари модули бўйича методик мажмуа. – Т.: ТДИУ, 2016 йил.
23. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. – Т.: Фан ва технология. 2007. – 541 бет.
24. Тожибоева Д. ва бошқ. Иқтисодий педагогика. - Т.: Фан ва технология. – 2008. – 256 бет.
25. Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Шарқ», 2014. – 480 бет.
26. Файзуллаева Д., Лутфуллаева Н. Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим технологиялари модули бўйича методик мажмуа. – Т.: ТДИУ, 2016 йил
27. Файзуллаева Д., Лутфуллаева Н. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик модули бўйича методик мажмуа. – Т.: ТДИУ, 2016 йил.
28. Худокормов А.Г. Экономическая теория: Новейшие течения Запада. - М.: ИНФРА-М, 2009. – 416 стр.
29. Шодмонов Ш., Мамрахимов Б. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. – Т.: Moliya-iqtisod, 2016. – 520 бет
30. Шодмонов Ш., Баубекова Г.Д. Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории. - Т.: Янги аср авлоди. 2004. – 164 стр.
31. Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics: Principles, Problems, and Policies. Seventeenth Edition. Published by McGraw-Hill/Irwin, a business unit of The McGraw-Hill Companies, Inc., 1221 Avenue of the Americas, New York, NY, 10020. Copyright © 2008 by The McGraw-Hill Companies, Inc.
32. Goldschmidt B., Goldschmidt M. Modular Instruction in Higher Education // Higher Education. – 1972. - № 2. - P. 15-32.
33. Russell J.D. Modular Instruction // A Guide to the Design, Selection, utilization and Evaluation of Modular Materials. – Minneapolis; ВРС, 1974.

VI. Интернет сайтлари

34. www.gov.uz
35. www.uzreport.com
36. www.stat.uz
37. www.economics.ru
38. www.Lex.uz
39. www.ziyonet.uz
40. www.mineconomy.uz
41. www.mexnat.uz

Ашурова Муборак Хайруллоевна

**ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИДАН “БОЗОР
ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ
РОЛИ”**

модули бўйича методик қўлланма

Muharrir:

G`.Murodov

Texnik muharrir:

G.Samiyeva

Musahhih:

A.Qalandarov

Sahifalovchi:

M.Ortiqova

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original-maketdan bosishga ruxsat etildi: 28.11.2020. Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Times New Roman» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qog`ozi. Bosma tobog`i 8,0. Adadi 100. Buyurtma №208.

“Sadriiddin Salim Buxoriy” MCHJ

“Durдона” nashriyoti: Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy.
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriiddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45